

Ф.Р. АБДУРАХМОНОВ

**ҚАДИМГИ ШАРҚДА
ПСИХОЛОГИК
ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ**

88.1273

679

А-15

Ф. Р. АБДУРАХМОНОВ

ҚАДИМГИ ШАРҚДА ПСИХОЛОГИК ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

(Үқүв-услубий құлланма)

«NOSHIR»
ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 159.9(09)

КБК 88.1

А 15

Абдураҳмонов Ф.Р.

Қадимги Шарқда психологияк фикрлари тараққиёти / Ф.Р. Абдураҳмонов; масъул мұхаррир Э.Ғ. Гозиев.
– Тошкент: NOSHIR, 2012. - 72 б.

УДК: 159.9(09)

КБК 88.1

Ушбу ўқув кўлланмада психология фанининг Шарқ мамлакатларидаги ривожланиши, шу ўлкаларда яшаб ижод қилган буюк, олимлар, мугафаккирларниңг руҳият, психология билан боғлиқ фикрлари ўрганилди.


Ушбу кўлланма олий ва маҳсус билим юртларининг талабаларига, психология ва унинг Шарқдаги ривожланиши тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул мұхаррир:

психология фанлари доктори, профессор Э.Ғ. Гозиев

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори, профессор Х. Алиқулов,
фалсафа фанлари доктори, профессор И. Ҳўжамуродов,
психология фанлари номзоди, доцент А.И. Расулов



КИРИШ

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Бу бўлаётган ўзгаришлар психология соҳасида ҳам кўзга яқол ташланади. Ўзбекистонда психология фанининг ҳақиқий ривожланиши учун шарт-шароит фақат мустақилликни қўлга киритгани миздан кейингина пайдо бўлди. Психология фани олдида турган кўплаб масалалар, уларни ўрганиш ва ҳаётта татбиқ этиш, инсон муаммоларини ҳал қилишда, психологик хизмат масалалари, ёш авлодни тарбиялашда, қасб билан боғлиқ масалаларни ўрганишда бу фанининг ўрни ва ахамияти катта. Айниқса, психология тарихи, унинг муҳим томонини ташкил этадиган Шарқ мутафаккирларининг рухият ҳақидаги фикрлари, таълимотлари, кузатишларини ўрганиш жуда муҳим ахамиятга эгадир. Бу мерослар, қадриятлар ҳақида И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунни унугтган миллатининг қелажаги йўқ».¹ Тарихни чўкӯр ўрганиш зарур, бу тарихий жараёнларда ҳалқнинг рухияти, матнавияти ётади.

Ҳозирда миллий маънавиятимизни ўрганишга бўлган қизиқиш, интилиш ортиб бормоқда. Кўпгина фанлар каби психология фанининг тарихга, айниқса, шарқ мутафаккирларининг инсон рухияти, психологик жараёнлар тўғрисидаги фикрлари кўпчилик инсонларни қизиқирмоқда. Инсон ҳаётининг серқирра фаолияти ва турмуш кечириш жараёнида унинг рухияти, психологик жараёнлари муҳим асос ҳисобланади. Инсон ўзининг онгли ҳаёти давомида нимаики қилмасин, унинг асосида психологик жараёнлар ётади. Буни эса қадимда Шарқнинг буюк инсонлари, мўътабар мутафаккирлари олдиндан анлаган эдилар. Шунинг учун ҳам ўз асарларида, руҳий жараёнларга уларнинг инсон ҳаётидаги ўрнига у ёки бу тарзда баҳо бериб ўтган эдилар. Ўтмиш мутафаккирларининг психология ҳақидаги бундай фикрлари, ҳозирда ҳам фан тараққиёти билан боғлиқ ҳолда кўпчилик олимларни, шу соҳани билган инсонларни қизиқтириб келмоқда.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й. 4-бет.

Ушбу китобда биз Қадимги Шарқ мутафаккирларининг асарларида инсон психологиясига оид билдирилган фикрлар, жамият, инсоннинг ҳаётий фаолиятидаги маълум бир қирраларини ўрганиш давомида психологик жараёнларни ҳам тегиб ўтипдаги баён этилган ёки шунга яқин бўлган психологик фикр ва у ҳақидаги масалаларни кўриб чиқинига интилиб кўрамиз. Инсон руҳийти ҳақида жуда кўп фикрлар Шарқ мутафаккирлари томонидан айтилган. Шарқ мутафаккирлари инсонни ахлоқий, эстетик муносабатлари, булар билан боғлиқ ҳолда эмоционал кечинмаларини, инсон ақли ва тафаккури, билими ва билиш жараёнлари, меҳнати ва унинг натижаларига бўлган муносабатларда содир бўладиган психологик жараёнларни кенг ўргангандар. Инсондаги фаҳм-фаросат, иродавий жараёнлар, дикқат билан ўз мақсади томон ҳаракатланиши, зукколиги, интилувчанлиги, табиат ва биологик жараёнлардан завқланиши каби кўплаб масалаларни ўз асарларида таҳлил қилишга эътибор берганлар. Инсонга хос ахлоқий-рухий, эстетик жараёнларни ўрганиш ва уларга амал қилиш кераклигини кўрсата олиш мутафаккирларининг инсонни тўғри тарбиялашга бўлган интилишини ҳам кўрсатади. Бу иш бирининг маротаба қилишгаётганлигини ҳисобга олган ҳолда маълум бир ўзига хос нуқсонлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу китоб ўзининг кўтариб чиқсан масалалари билан маълум бир талаб ва эҳтиёжларни қондира олади, деган умидидамиз.

1-§. Қадимги Шарқдаги илк психологияк фикрлар

Фаңда қадимий деб юритиладиган әрамиздан аввалғи даврлар ҳақида, унинг ривожланиши, тарихи, рухиятта оид, инсон психологияси ва унинг жараёнлари ҳақида билдирилгандык фикрлар бизгача етиб келмаган. Бу ҳақидағы маълум бир эпизодлар, узук-юлуқ маълумотлар ҳар хил манбаларда сақланиб қолған ва шулар асосидағына бирор-бир фикр айтыш мүмкін, холос. Булар қаторига қадимги даврлардан сақланиб қолған китоблар, археологияк қазилмалар орқали топилған ноёб топилмалар, халқ оғзаки ижодига тегипли бўлган қадимий мерослар ва бопка халқлар тарихи билан боғлиқ ёдгорликларда учрайдиган фикрлар киради.

Психология тарихи фанининг ўрганиш масалаларидан бири бу Шарқ мамлакатларида шаклланиб таркиб топған психологияк фикрлар тараққиёти ва инсонларниң рухий тараққиётини ўрганиш ҳисобланади. Инсониятта маълумки, Шарқ бутун бир инсоният маданиятининг шаклланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келған буюк макондир. Шарқ мамлакатлари ўзининг қадимийлиги билан, давлатчилик соҳасида, фан ва маданият соҳасида Ер куррасидағи энг қадимий жойлардан бири ҳисобланади. Шарқ мамлакатлари легандада, асосан Хитой, Ҳиндистон, Миср ва Марказий Осиё мамлакатлари тушунилади.

Қадимий маданиятта эга бўлган Марказий Осиё халқлари қуай географик мухитта жойлашган бўлиб, бу қуай шарт-шароитлар уларниң ҳаётида ижтимоий-иқтисодий тараққиётларнинг эртароқ бошланишига олиб келди. Бу ўлкаларда илк ўрта асрларда ёқ шаҳарлар, саноат, илм-фан кабилалар көнт тараққий эттани, бу айнан инсон оғзи билан боғлиқ бўлган жараён яъни рухий кечинмаларни, жараёнларниң ҳам пайдо бўлганидан далолат беради. Эрамиздан аввалги даврларга оид бўлган кўплаб маълумотларда булар ҳақида бой ва қизикарли фикрлар баён этилган. Бу қадимги бўлган мамлакатларда психологияк фикрлар асосан фалсафанинг таркибида, унинг масалалари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган. Эрамизгача ҳаёт қайнаган шаҳарларнинг қолдиклари, уларда акс эттан ҳаёт жараёнлари билан боғлиқ кўпшина тоғилмалар Наманганд, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларидаги археологияк қазилмаларда точиликтан ва точилимоқда. Дейлик, ҳар хил матолар, кўзалар, танталар, чизмалар, расмлар, меҳнат қуроллари ўша даврдаги инсонларниң маданияти, ривожлапганилик даражасини кўрсатади. Бу топилмалар Қадимий Шарқда ишлаб чиқарилганлиги билан бирга, эстетик,

этик, фалсафий ва психологияк фикрлар мавжуд бўлганидан дало-лат беради. Биламизки, маълум бир нарсаларни ишлаб чиқаришида инсондаги дид, іўзаликни ҳис қилиш, инсонга фойдалилик да-ражасини кўра олиш, яъни хаёлида уни тасаввур қила олиш каби инсон руҳиятига тегишли жараёнлар кечиб ўтади. Демак, булар-нинг бўлиб ўтиши улар ҳақидаги маълум бир назарий тасаввурлар бўлганингини тасдиқлади. Оғзаки ҳолда бўлса ҳам инсонлар бир-бирларига маълум билимлар ҳақида маълумотлар етказиб турганлар. Бундан ташқари халқ оғзаки ижодида қадимдан сақланиб кели-наётган ҳикоялар, бадиий тўқималар, масалларда ҳам шундай ме-росий ҳолатларни кузатиш мумкин.

Қадимий Шарқ мамлакатларида фалсафий фикрлар доираси-да психологияк фикрлар ҳам шайдо бўлиб, шаклланиб бойиб борди. Бу фикрлар асосан диний характерда эди. Ўша даврда шаклланиб келаётган диний билимлар тизими асосан фалсафий масалаларни қамраб олиш билан бирга, инсон руҳиятига тегишли масалаларни ҳам ҳар хил кўринишца ўзига қамраб олган эди. Бу билимлар ўзида мифологик-ақида кўринишидаги масалаларни ҳал қилишда яққол қўзга ташланади. Мифлар, ақидалар бу қандайдир гайритабиий ҳодисалар, нарсалар эмас, балки уларда баён қилинган воқеалар аф-сонавий образлар орқали бизгача ўша давр одамларининг ҳаётини, руҳий жараёнларини тушунишимиз, тасаввур қилишимиз учун им-коиният яратиб беради.²

Қадимий Шарқ мамлакатларида кишилик жамиятини ривож-ланиб бориши давомида ибтидоий жамоа даврларидан, аста-секин қулдорлик даврига ўтила бошлади. Бу даврга келиб ишлаб чиқарини кенгайди, хусусий мулк пайдо бўлди. Инсонлар ўргасида табақа-ланиш кучайиб борди, инсонлар ўргасидаги муносабатлар ўзгарди, инсон руҳиятидаги ўзгаришилар, онгли муносабатлар такомиллаш-ди, инсон тафаккур қилиш даражаси ҳам анчагина илгарилаб кетди. Бу даврларта келиб ижтимоий онг шакли сифатида фалсафа вужуд-га келди. Инсон ҳаётининг муҳим бўлаги бўлган психик жараёнлар ҳақидаги билимлар фалсафанинг таркибида ривожлана бошлади.

Қадимий даврларда инсониятнинг коинот ҳақидаги, инсон ва унинг пайдо бўлиши, фаолияти ҳақидаги биринчи илмий фикрлари, тушунчалари диний таълимотлар характеристида Мисрда пайдо бўла бошлади. Бу даврда 3000 йил олдин қулдорлик пайдо бўлган Миср мамлакатида ирригацияяга асосланган қишлоқ ҳўжалик, чор-вачилик, хунармандчилик, тўқимачилик, курилиш саноати ка-

² Мифы народов мира. Советская энциклопедия. 1980 г.

би томонлар ривожланган эди. Бу каби ривожланишлар Миср иқтисодини, ижтимоий ҳаётини ўзгаришига олиб келди. Энди бу мамлакатда курашлар асосида янги фикрлар ривожлана бошлади. Бу даврда «Афист қўшиғи», «Умидсизланган кишининг ўз жони билан сұхбати», «Хўжайнининг ўз қули билан сұхбати» каби ёзма ёдгорликлар вужудга келди. Бу қадимий ёзма ёдгорликларда фалсафий фикрлар билан бирга инсон руҳий кечинмалари ҳам ўз аксини топган эди.

Диний асосда вужудга келган фалсафий, психологик фикрларда кишиларнинг ҳаёти асосан инсон руҳияти, унинг эмоционал кечинмалари билан боғланган эди. Бу даврларда диний фикрлар янгича маъно олиб, кўпроқ кишининг ҳаёти, фаолияти билан боғлаб борган. Бу фикрларни эрамизгача 4000 йил илгари Мисрда ёзилган «Мемфик теология» деб ном олган асарда кўришимиз мумкин. Шу асарга асосан, буун дунёни қурувчи, унинг архитектори бу Птах худосидир. Инсонлаар худолар каби юраклари, тиллари, сўзлари билан фикрламасликлари керак деб айтилади. Шунинг учун худолар инсонга, унинг кўзига кўришни, қулогига эшитишни, бурнига ҳидлашни, нафас олишни ва ҳатто юрагига фикрлаш қобилиятини бердилар. «Юрак ҳар қандай онгта юксалишни беради»,³ деб ёзилган бу китобда. Бу фикрдан ўша қадим замонданоқ, ҳар онгнинг юз беришининг асосий шарти сифатида танадати марказий органнинг фаолияти назарда тутилган.

Бундай хуласаларни қилиш учун, амалий материалларни умумлаштирувчи инсоннинг билиш фаолияти зарур эди. Бунда эса инсоннинг нутқи, билдираётган сўзига бўлган эътибори ҳам кам роль ўйнамас эди. Қадимги одамлар онгига нутқ, сўз бу реал мавжуд нарсаларни худди эгизаги каби тасаввур қилинган. Лекин «Мемфик теология хотираларида» эса бу фикрларга бошқача тарзда ёндашилган. У ердаги фикр бўйича «Тил бу юрақда нима ўйланган бўлса уни тақрорлайди». Бундан, тил юракка тананинг ҳар хил органларидан келган маълумотларни тақрорлайди, деган фикр келиб чиқади.

Фикрларни пайдо бўлишида энг асосий манба бу – Қадимги Шарқ тиббиёти эди.

Шарқнинг ҳамма мамлакатларида (кейинчалик қадимий Грецияда ҳам) тиббиётдаги асосий диққат қоннинг айланишига қартилган эди. Улар қоннинг ҳаётини таъминлаб берувчи томонини иккι башланғич суюқликдан: қон суюклигидан ва унинг ҳавосидан ташкил топган деб ҳисобланар эди.

³ М.Г.Ярошевский. История психологии. –М. «Мысль», 1985 г. 28-с.

Қадимги Хитой тиббиётіда ҳам тананинг асосий бошқарувчи органды сифатында юракка катта эътибор берғанлар. Ҳаётни таъминиловчи сифатында ҳавога ўхшаш ходисадан бошланувчи сифатында – ЦИ моддаси асосий ўрин эталлаган. Булар ҳақида бизнинг эрамизгача VIII асрда ёзилган «Ички тузилишлар ҳақида»ги китобда баён этилган. Танада бошқа таркибий бўлаклар билан қўшилиб кетиб, ци моддаси физиологик функциялар билан бир қаторда психолого-тик функцияларни ҳам бажаради. У инсонга нутқ инъомини етказади ва унинг «Фикрларини бошқаради». Агар фикрлар юракда жойлашган бўлса, ҳислар – жигардадир, деб таъкиданади бу китобда.

Ҳицд табибларининг ҳам фикрларича, инсоннинг психик фаолияти, худди юқорида айтилганидек, юракда жойлашган. Юракни марказга қўйиб тушунтириш орқали, кейинчалик мияни ҳам марказга қўйиш схемаси пайдо бўлди.

Темперамент ҳақидаги таълимот ҳам биринчи маротаба медиклар томонидан ўрганилган. Бу таълимот стихияли материалистик тарзда одамлар ўртасидаги индивидуал фарқларни туппунтирар эди. Бу фарқларни тушунтиришда танадаги унсурларни ўрганиш орқали уларни очиб берилди. Темперамент асосига хинд ва хитой мутафаккирлари учта элементни қўядилар: – Ҳавога ўхшаш бошлануни (хитойларда – ци), сафро (бир хил холларда қон) ва балғам. Мана шу элемент (чисур)лардан келиб чиқиб, кимда қандай элемент кўпроқ бўлса, ўшанга қараб одамлар маълум бир типга бўлинадилар.

Хитой медиклари қўйдаги одам типларини ажратиб кўрсатгандар:

1. Сафро (ёки қон) устунлик қилиувчи тип: кучли, қўрқмас – йўлбарсга ўхшаш.
2. Ци элементи кўпроқ бўлган тип: мувозанатсиз, ҳаракатчан – маймунга ўхшаш.
3. Балғам устунлик қилиувчи тип: секин ҳаракатланувчи, кам ҳаракатланувчи.

Ўша қадимий даврларда фанда диний таълимотлар кучлилик киласа-да, лекин психофизиологик тушунчалар ҳам ўзига йўл очиб борди. Бу, аввало, ўша даврдаги қатор аниқ фанларнинг, айниқса, медицина фанининг ривожи билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди.

Янги ижтимоий шароитлар фалсафий мактабларнинг пайдо бўлишига шароит яратди. Бу мактабларда дин билан алоқа жуда яқин бўлса-да, шу билан бирга, инсон мавжудлиги ва унинг умумиёт борлиққа бўлган муносабатлари мантиқий асосда муҳокама қилинарди. Жуда қаттиқ ижтимоий сиёсий курашлар асосида эра-

мизгача минг йиллар олдин Қадимги Хитой ва Хиндистанда ана шүпшілдай илмий-фалсафий оқымлар вужудга келди.

Бу мактаблар илгари ташкил топған тушунчалар ва тасаввурлар асосида, уларни янги даврга мослаган ҳолда ёндашылар. Масалан, Хиндистанда Веда матылари биринчи асос бўлди. Бу бизнинг эрамизгача 2000 йиллар аввал шайдо бўлган. Ведаларнинг яқуний Упанишадлар (такминан эрамизгача 1000 йил аввал) бўлди. Асосан Веда тестларда билимлар, маҳдиялар, кўшиқлар тўплланган эди. Бу Ведалардан энг муҳими «Ригведа» эрамиздан 1500 йил илгари вужудга келган. Колгандари бу «Яджурведа», «Самаведа», «Атхарваведа»лар эди. Эрамиздан 1000 йил аввал «Упанишадлар» (махфий таълимот) оқими вужудга келиб, бу оқимнинг вакиллари юқорицаги «ведаларни» шарҳлаб берди ва ривожлантириди. Брахманлар тузган «ведалар» «брахманизм» динининг асосини ташкил қилди. Бу таълимотнинг мазмуни шундаки, у бирдан бир дунёвий рух мавжуд ва бу брахман бўлиб, моддий дунё унинг маҳсулидир, деб тушунтиради. Упанишадлар жонни рух билан тенглаштиради. Бу таълимотта кўра тана жоннинг қобигидир, жон эса дунёвий руҳнинг бир бўлаги хисобланади.

Бу каби тушунчаларнинг давоми бўлиб эрамизгача VI асрларда ташкил топған джайнизм ва буддизм таълимотлари вужудга келган. Джайнизм – танапи жонга озодлик бермовчи тўсигидир деб хисоблайди. Буддизм руҳни алоҳида моҳият сифатида инкор этади. У руҳият бу бир-бирини алмаштириб турувчи туганмас дақиқалар оқимидир дейди. Кейинчалик пайдо бўлган фалсафий мактаблар Санкхья, Веданта, Йога, Маманса, Нъяя, Вайшешка кабиллар ҳам руҳиятни ўрганишни метафизик-этик вазифаларга бўйсундирдилар.

Веданта Упанишаднинг субъектив-идеалистик томонларини ривожлантириди. Унга кўра, ҳақиқий Мен бу тана эмас, балки маҳсус интуитив (фаҳм-фаросат) га асосланган онгдир. Унда ички ва ташки, субъект ва объект фарқланмайди. Бу Атман бўлиб, у Брахманга тенгдир. У чексиз космик онгта, дунёнинг асосига қўйилгандир. Инди-вицуал руҳ – Атмандан фарқланади. Унинг олий табиати танаплиг ва ҳиссий оқимларнинг идрокига яширишгаидир. Билим орқали ва каттиқ ахлоқий тартибга асосланнип орқали тенгланғандир.

Бошқа бир мактаб бўлган Йога эса ҳақиқий билишини эгаллаш учун психик фаолиятни беркитувчи ҳамма томонларни йўқотишни тавсия қиласди. Йога таълимоти бунинг учун машгулотлар системасини ишлаб чиқди. Бу таълимотта кўра, биринчи навбатда, та-

на фүнкцияларини бошқариш (нафас олиш, ҳолат ва бошқалар) ва үңдан кейин ишкі психологик актлар – дикқат ва тафаккурни бошқариш. Инсон ахлоқий масалаларини ечишга бўлган қизиқиш инсон психологиясига бўлган қизиқипни ортириди. Махсус психологик кисмларга ажратувчи ҳолатлар ишилаб чиқилди ва ҳатто уларни бошқарини йўдлар хам ишилаб чиқилди.

Ахлок билан боелиқ йўналишлар эрамиздан аввалги биринчи минг йиликларда Хигойда хам пайдо бўлди. Бу мактабининг ботпода Лао Цзи, Конфуций ва Мо Цзилар турди. Ярим афсонавий Лао Цзига бизнинг эрамизгача (IV асрнинг охири – V асрнинг боши) дунё фалсафий хотирасида етарли даражада ўрин олган «Дао дэ цзин» китобининг асосчиси сифатида қаралди. Бу таълимотга қўра, туман ҳолатидаги бошлангич материя – ци, умумий қонун – дао билан биргаликда дунёнинг асосини ташкил этади. Бу бошлангич материяда – (ЦИ) зарурий равища бошлангич беш моддий унсур ва бошқа барча моддий нарсалар келиб чиқсан. Лао Цзи таълимоти-ча, ҳаёт «осмон ихтиёри билан» идора қилинмайди, балки муайян табиий қонун дао билан идора қилинади. Ўша давр мутафаккирлари табиатдаги ҳамма нарса табиий қонуларга бўйсунади, инсон ер орқасидан боради, ер осмон орқасидан, осмон дао (қопун) орқасидан боради, дао табиийлик орқасидан боради, леб фикрлайдилар.

Айрим ҳипд назариялари ақлий фаолиятнинг асосига билиш органи билан унинг обьекти ўртасидаги узилмас алоқа ётади, деб тушунгандар. Бу назарияларда бир неча ҳиссий органларнинг обьект билан боғликлигини кўрсатгандар. Улар қуйидагиларни ажратиб кўрсатгандар: а) шу таркибга кирувчи ҳамма ишлiviдуал обьектлар билан алоқа; б) хотирада жонлашувчи обьектларнинг образлари билан алоқа; в) ақлий ўйлаш орқали жуда нозик бўлган ўтминг ва келажак обьектлари билан алоқа биринчи усуlda – қўйидагини, яъни умумийликни мушоҳада қилмоқ. Иккинчисида эса – ассоциация, яъни айрим тасаввурларни бир-бири билан боғламоқ (кўз орқали идрок қилинаётган дараҳтнинг хиди орқали «мулоқотда» бўлиш). Учинчиси – йолгарга хос идрок этмоқ.

Ўз дикқатимизни шу билиш актларини тушунтиришига қаратсак, шунарса кўринадики, у маълум бир обьектив нарсагагина қаратилиган бўлмай, балки ундан ажратилмаган нарса уни ўрганаётганга хам боғлиқ бўлмай, балки биргаликда мавжуд, деб хисобланган.

Хинд адабиётларида идрокнинг иккى шакли фарқланилган. Булар:

1) аниқ бўлмаган (ииврикалпа) ва аниқ бўлган (савикалия). Биринчиси – бу аниқ ҳиссий бўлган, яъни ташанинг мулоқотда бўлган нарса ҳақидаги бевосита таассуроти. Иккинчиси – идрокнинг шундекда акс эттанилигидир. Веданта мактабининг намояндалари фикрича, идрок бу қандайдир гартибсиз на индивидуал, на умумий ҳиссий таассуротлари бўлган нарсадир. Идрок тушунчалар асосида тартибга тушади. Веданта таълимотининг асосий тарғиботчилиридан бири бўлган Шанкаранинг (VIII асрнинг охири – IX асрнинг боши) фикрича, идрок бу эски дунёнинг кўринишлари бўлиб, шулар намунасида ҳиссий дунё англазилади.

Марказий Осиё, жумладан, Моварооннахр инсоният маданиятининг ривожланишида улкан ҳисса кўшган маконлардан хисобланади. Чунки у ердаги кулай жустрофий шароит, табиат, шароитидан келиб чиқиб, ҳалқнинг ўтрок ҳаёти билан боғлиқ дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик каби ишлаб чиқариш кўринишлари ривожланди. Бу ерда савдо-сотиқ муносабатлар ривожланди, Буюк Ипак йўлининг кўп қисми бу ўлгадан ўтганилиги ҳам унинг ривожланиши учун имкониятларни кенгайтирди. Маълум маънода фанларнинг пайдо бўлинни учун керак бўлган амалий ва назарий фикрларни пайдо бўлиши, одамлар ўртасидаги муносабатларда руҳий-эмоционал, тафаккур жараёнларини ўзида мужассамлантирган умумлаштиришларни пайдо қилган. Дехқончиликни маълум бир билимларсиз амалга ошириш мумкин эмаслиги ҳозирда ҳам оддий инсонларга маълум. Булардан кўриниб турибдики, маълум бир фанларнинг ривожланишига таъсир этувчи фикрлар, малакалар аста-секин ривожланиб борган. Дейлик, узок ўтмишда бу ерда яшатан ҳалқларнинг ёзувларини санасак ҳам уларнинг қангчалик ривожланганини кўриш мумкин. Бу хоразм ёзуви, парфия ёзуви, сутд ёзуви, грек-бақтрия ёзуви, қадимги туркий ёзувлар бўлса-да, уларнинг йирик намуналари бизгача сақланиб қолмаган. Агар фикрлайдиган бўлсак, ёзуви бўлган ҳалқнинг жуда кагта маланий бойликлари сақланиб қолган бўлиши керак эди. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Қадимги давр ҳақида маълумотлар кам бўлиши билан бирга, ўша даврни ўрганувчилар ҳам камдир. Шунинг учун ҳам қадимги даврлар ҳақида биз кам маълумотларга этамиз. Шунга карамай диний билимларга асосланган маълум бир фикрлар, биъимлар, одамларнинг турмуши тарзи, санъати ҳақида маълумотлар кисман бўлса-да сақланиб қолган. Булар ҳақида кейинги бўлимда фикрларни кептирамиз.

2-§. Қадимий зардўштийлик таълимотида инсон ва руҳий-психологик жараёнлар

Эрамиздан олдинги IX асрларда илк куртаклари юртимиз худудиң пайго бўла бошлаб, VI асрда узил-кесил шаклланган маздо-парастлиқ диний таълимотининг асосчиси Зардўшт ва унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳакида эндилиқда кўплаб китоблар, мақолалар, илмий асарлар, киссалар, досгонлар ва романлар пайдо бўлди. Бу эса мазкур диний таълимотининг инсониятидаги ўрни ва аҳамияти ишоятда катта эканлигидан далолат беради. Чет эллардаги, Шарқ, Ўзбекистондаги олимлар – Ян Рипка, К.В.Тревер, Е.Э.Бертельс, С.П.Толстов, И.С.Брагинский, Б.Фофуров, М.Дяконов, Х.Мирзазода,⁴ Ф.Сулаймонова, Тоҳир Карим, Ҳомиджон Ҳомидий кабиларнинг тадқиқотларидағи мулоҳазаларидан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, зардўштийлик таълимоти эрамиздан олдинги VII асрларнинг охири – VI асрнинг биринчи ярмида Ҳоразмда пайдо бўлган. Унинг асосчиси Зардўшт Спигама уруғидан эди. Зардўшт шажараси қуиидагича кўринишга эга эди. Зардўшт Пурупастниң ўғли, Пурупаст Подиратараспнинг ўғли, у Урагадхаспнинг ўғли, Урагадхасп Ҳадчаспнинг ўғли, Ҳадчасп Чихишнушнинг ўғли, Чихишнуш Паастараспнинг ўғли эди. Пурупаст оиласида Зардўштдан ташқари Ратуштар, Рангуштар, Нотарига ҳамда Ниветиши отлиғ тўрт ўтил бўлган. Пайтамбар ушбу хонадоининг учинчи фарзанди эди. Зардўшт болалигиданоқ от ва түя боқиш билан шуғулланган. Зардўшт чорвадор қавмлар орасида юриб, уларнинг урф-одатлари, дин ва удумларини ўрганган, ҳар хил эътиқолдаги киппиларнинг сұхбатларида бўлган.⁵ Жамиятда ҳеч ким ҳеч қандай қонунга бўйсунмас, талон-торож, босқинчилик, қон тўкиш билан зўрлар ҳаловатда, заифлар ҳалокатда бўлганилар. Буни кўрган Зардўшт жамият ҳаётига тубдан ўзгариш киритиш, одамларни маълум бир гартибга бўйсунтириш, осойишта ҳаёт кечиришни таъминлаш зарурлигини сеза олди. Буни яхши тушунган Зардўшт одамларни ҳалол меҳнат билан тинч-тотув яшашга ўргатиш йўлларини ўйлади. Натижада, «Авесто»нинг энг қадимги кисмлари, яшлар юзага келди.

«Авесто» зардўштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк саҳифалари Зардўшт томонидан эрамиздан аввал VII асрнинг охирларида яратилган. Кейинчалик жанубий Эронда оташпа-

⁴ Ҳомиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ дарғалари. -Т.: 2004 й. 6-б.

⁵ Ҳомиджон Ҳомидий. Авестодан Шоҳномагача. -Т.: 2007 й. 13-б.

растлик динининг уламо кохинлари гомонидан тўлдирилиб, тако-миллаштирилган. Бу китоб 12 минг хўқиз терисига битилган эди.

Бизга қадар «Авесто»нинг қуийдаги қисмлари етиб келган:

1. Ясна – ибодат пайтида ижро этиладиган матнилар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмнинг 17 боби Зардўшт қўшиқлари – Гот мадҳияларидан иборат.

2. Яшт – зардўштийларнинг Аллоҳни тавсиф этадиган маҳсус оҳанглар асосида айтиладиган мадҳиялар.

3. Вендиод – девларга – зулмат тимсолига қарипи конунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунилар матни, қадимги дастонлар, мифларнинг мазмуни, царчалари сақланган, мифологик каҳрамонларнинг номлари зикр этилган.

4. Виснарат – (бугун борлиқ Аллоҳники) Ибодатлар тўплами, ибодат йўсиналари.

«Яшт» ҳамда «Вендиод»да Зардўштининг шахсияти, рухий олами, ижтимоий келиб чиқишига оид далиллар, зардўштийликнинг тарқалиш ўйлидаги зиддиятлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Авесто» зардўштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, илм фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича мукаммал маълумот берилган улкан, энг кўхна манба ҳисобланади. Грек олими Пилиний «Авесто»ни, икки миллион байтдан иборат, деган хабарни ёзиб колдирган. Улардан Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжон ҳалқарининг энг қадимий мерослари: урф-одат, ҳытиқол, ибодат пайтида қироат киладиган оятлари, диний маросимларида ижро этилган қўшиқлари, минглаб ҳалқ оҳанглари ҳақида маълумот оламиз.

Мазкур асарла иқтисодий ҳаёт, жуғрофия, фалакиёт, илми шуҷум, ижтимоиёт, биология, фалсафа, тиббиёт ва инсон рухиятига тегишли қимматли маълумотлар ҳам мавжуд. «Авесто»даги тиббий карашларга тўхталиб, уни тахминан қуийдагича тасниф этиш мумкин:

1. Ташреҳ (анатомия) ва мизож (физиология).
 2. Беморликларнинг олдини олиш воситалари.
 3. Касалликлар ҳақида маълумотлар.
 4. Беморларни даволаш йўллари.
 5. Табибларнинг ахлоқи ва табобатта оид баъзи конун-коидалар.
- «Авесто»да инсон организми – мушак, суяқ, тери, мия, асаб, бадан юнги, томир ва қонга (асаб ва мия – ерга, бадан тукчи дарахтга ўхшатилган) бадандаги томирлар ва оқ, яъни қонсиз томирлар (асабга) бўлинган.

Баданинг қуввати эса жон, виждон, равон (ған), ицрок ва азалий

РУХ КАБИ 5 кисмга бўлингани. Мизож эса ҳарорат (иссиқлик), рутубат (сокуқлик), бурдат (намлик) ва қуруқликка бўлинган. «Жигар қон манбаи бўлиб, ўнг томонга жойлашган» дейилади. Мизож ҳақида сўз кетганда ҳудди темпераментта тегишсли фикрлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Зардўштийлик таълимотининг ўзи айнан инсон ва унинг психологияк, ижтимоий-психологик муаммоларини ҳам қамраб олганилиги билан ахамиятлидир. Зардўштийлик инсонининг тузилиши масалалари, унга берилган касалликлар, уларни даволаш, ёшлилар ва уларни тарбиялаш, устод-шогирлар ўргасидаги масалалар, инсон руҳиятининг ахлокий масалалари, жамиятдаги ижтимоий-психологик иқлимга таъсир этувчи омиллар каби кўплаб масалаларни ўз замонасидан келиб чиққан ҳолда тушунтириб беришга интилаган буюк таълимот хисобланади. Авостода инсонни даволашда, унинг руҳига кайта эътибор берилади. «Айрим табиблар беморни Оша – яхши руҳ, илоҳий кучни даъват этиши кўмагида даволайдилар», деб табибларни даволапининг алоҳида йўлларидан бири сифатида инсон руҳиятига таъсир этишни ажрагиб кўрсатади. Бу муқаддас китобда инсонни дуо ўқиш билан, яъни унинг руҳига таъсир этиш билан даволаш оммавий усул сифатида қайд этилган ва дуо матнлари берилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, зардўштийлик рамзи бўлган Қўёш, Нур, Отап турли дардларни даф этиш воситаси деб ҳам тушунилган.

Зардўштийлик таълимотига биноан танадан чиққан жон «жу-до этувчи кўприк олдига келади. Садоқат матьбути Митра ва унинг ҳамроҳлари тарозни ушлаб турувчи Сироша ва Рашину ҳар бир жоннинг яхши ва ёмон қилимишлари, сўzlари ва фикрларини торозининг икки палласига соладилар. Ҳукмни Митра чикаради, яхшилик томони ортса – жашиятга, ёмонлик томони босса – дўзахга тушади (зардўштийлика дўзах бу абдий музлик ва совук), агарда, тенг келса, аралаш жой миссон гатуга кетади. Бу ерда на хафалик ва на хурсандлик бор, жон ноҳуш кун кечиради. Жаннатта руҳни гўзал қиз – Даэна олиб кетса, дўзахга борувчилар олдида кўприк қилич тиғидан ўтқир ва қилдек ингигікалашади, ялмоғиз кампир гуноҳкор жонини жаҳанинамга олиб кетади. Минг йиллардан сўнг ҳамма қайта тирилади ва сўнг суд бўлади. Тоғдан оқиб турувчи оловсимон эриган маъдан дарёсидан руҳлар бирин-кетин ўтадилар, ўшанда яхшилар безиён қутиласидилар, ҳамма гуноҳкорлар, ёмонлик ва ёвузлик худоси Апгра Манью (кейинча, Ахраман) ҳалок бўлади. Дунёда абдий баҳали ҳаёт бошланади. Бу фикрлардан кўриниб турибдики,

зардўштийлик таълимотида инсон рухи бу яратилган ва у ҳаёти давомида қиялан ишлари учун жазоланаади. Бу ердан инсон чиройли ҳулққа эга бўлиши, яхшилик асосида ўз рухиятини тарбиялаши кераклиги айтилади.

Зардўштийлик таълимотида инсон поклиги, ҳалолликка катта эътибор берилган. «Вендибот» китобида табиб маданияти, ахлоқи, унинг касбига фидойилиги – табиб меҳнатининг муҳим томоницир деб айтилади. Жумладан, табибининг маънавий, руҳий жиҳатдан пок бўлмоги кераклиги уқтирилади.

Зардўштийлик таълимотида Тантрини аввал руҳни яратганилиги, кейин эса ташни яратганилиги айтиб ўтилади. Бунда одамнинг тузилишини 17 хил суюқликдан иборат эканлигини кўрсатилиб, унга инсоннинг барча суюқлик билан боғлиқ томонлари ёритилиб берилади.

Шуну таъқидлаш керакки, инсоният маданиятига катта ҳисса бўлиб қўшилган Зардўшт фалсафаси инсоният бешигида табиат ва жамият, ҳаёт ва коинот, мутлақ гоя ва инсон, моддий оламнинг ноҳомиллиги – ҳамиша ҳаракатдалиги, инсон рухияти ва маънавиятини ўрни, инсон камолатида касб-кор, моддий борлиқнинг инсон онтига ва рухиятига таъсири, унинг акс садоси каби масалалар – гоят чуқур ва теран мулоҳазалардир. Бу каби кўплаб масалаларнинг кең ва чуқур таҳлил қилиниши, у ерла қўтарилган кўплаб муаммолар ва уларни ҳал қилиш ўйлари ҳақиқати фикрлар ҳозирда ҳам ўз ахамиятини йўқотгани йўқ.

Зардўшт таълимотининг буюк хизмати бу динни маънавий ахлоқий асосга, яъни инсон рухиятининг тартиб, интизом, ҳиссий кечинмаларини бошқаришга қаратилгани, тафаккур или амалиётни ҳаётта татбиқ этинга асосланиш кераклигини кўрсаттан таълимотлиги билан ажралиб туради. Ҳақиқатда ҳам бу таълимот ахлоқ мөъёрларини ҳаётнинг мезони деб атайди ва инсон ҳаётцда яхши иш, яхши ҳулқ, яхши амал одамнинг ўзини ҳам гўзаи килиб яратишни кўрсатади. Маълумки, инсон рухияти унинг амалга ошираётган ижобий ва салбий амаллари асосида шаклланиб, инсон ҳаётнинг ижтимоий-психологик кечинмаларининг шаклланишига ўз таъсирини ўtkазади. Ахлоқий мөъёрларда инсонга хос бўлган психологияк жараёнлар ўз аксини топади. Бу таълимотдаги ахлоқ категорияси ҳамон долзарбилигича қолмоқда. Инсонлар ахлоқидати яхшилик билан боғлиқ жараёнлар жамият тараққиётига, инсонга хос бўлган психологик кечинмаларнинг яхшиликка томон хизмат килишига олиб келади.

Зардұшт таълимотида ёшларға бериладиган таълим ва тарбия ҳақида ҳам, яны педагогик-психологик масалаларни үзіда қамраб олған ва жамият учун фойда бўладиган муаммоларни ҳам кўриш мумкин. Дейлик, «Авесто»да қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор берип лозимлиги бир неча ўринда маҳсус таъкидланади: «Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму доиниши ўрганишга жиддийроқ кирипспинлар. Зоро, улар ота-она хонадонида бўлган вақтларида ота рўзгорини тартибга солиб, зийнат бериб борсалар, жуфти ҳалоли манзилига боргач, болалар тарбияси, таълими билан, келажак насл тарбияси билан машғул бўлмоклари лозим бўлади». Зардұшт таълимотида инсон рухиятига, таълим орқали, устоз берган билимлар орқали яхши илм, қалбга рўшнолик, қўлига ҳунар бериши масаласи, уларда тўғри йўл тутиш, рост сўзлапп, вижданан ишлишта ўргатилган. Юқоридаги масалаларниң үзи психологик жараёнлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди. «Авесто»да инсон рухиятини даволаш, ундаги рухий ҳолагларни таълим ва тарбия орқали камол тонтириш, жамият учун фойдали инсон бўлиш, меҳнат қилиш орқали үзига ва жамиятга фойда келтириш, инсонни ҳурмат қилиш, илмга ва ҳунарга интилиш каби кўнлаб масалаларга эътибор берилган.

«Авесто»да, шунингдек, жамиятдаги инсон рухияти ва ўзахлоқий рухий томонларига эътибор берилгә асослантай кўнлаб таълимотлар олдинга сурилади. Булар ҳуқуқий, ахлоқий, рухий жараёнларни үзіда мужассамлаштирган ҳаётий мисолларда қўзга ташланади. Дейлик, «Вендиод» Зардұштнинг турли ҳаётий масалаларига оид Ахурамазда – ҳақиқат ва Олий ҳакамга мурожаати ва олған жавоблари асосида тузилган. Үнда инсон, шахс оиласиб-маиший ҳаётдан тортиб то ижтимоий – сиёсий ва матнавий-ахлоқий соҳаларгача ҳар бир одам феъли-автори, ҳағти-ҳаракати, бутун фаолияти қандай бўлиши кераклиги уқтирилган. Бу ерда инсоннинг жамиятдаги ўрнидан келиб чиқкан ҳолда, бошқалар билан бўлган ёки бўладиган мұносабатларда үзини қандай тутиш кераклиги, ахлоқий-рухий мұносабатлари ҳақида таълимотлар берилади.

Маълумки, Александр Макендоңский Эрон, Мовароуннахрни зabit эттач, «Авесто»нинг эпиг мұқаммал, нодир нусхасини Элладага юбориб, тарих, математика, астрономия, жуғрофия, тибиётта доир қисмларини грекчага таржима қилидириб, асарнинг эса аслини ёқтириб юборган. Абу Райхон Беруний ҳам бу ҳақида шундай ёзади: «Подиох Доро иби Доро хазинасида (Абисгонинг) ўн иккى минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Ис-

кандар отаңхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат қилувчиларни ўллирган вактда уни күйдириб юборди. Шунинг учун ўша вактдан бери Абистонинг бешдан уч кисми йўқолиб кетган».⁶

Демак, айтиш мумкинки, күйдирилиб юборилган Авестонинг колган қисмida бизга етиб келмаган кўшина ноёб фикрлар бўлиши мумкин эди. Инсон ахлоқий ҳаётини ўз ичита олган, инсон ҳаёт фаалиятини маълум бир яхшиликларга унда бурувчи таълимот бўлган Авестода инсон руҳияти ҳақида ҳам кўплаб фикрларни билдириб ўтилган.


3-§. Араб истилосидан кейинги даврда Ўзбекистон худудидаги фалсафий ва психологияк қарашлар

Қадимий Шарқ мамлакатларидағи фалсафий, психологияк фикрлар шу мамлакатларнинг ижтимоий-тариҳий тараққиёти давомида янги ўзгаришлар билан боғланган ҳолда, янгича маъно олган ҳолда янгича ёндашашлар асосида ривожланиб борди. Қадимий Шарқ мамлакатларининг маданиятлари, уларга хос бўлган лунёқарашлари шу ўлкаларни босиб олган босқипчиларнинг олиб келган маданиятидан ҳар вақт юксак эканлиги тарихдан маълум. Қадимий Шарқ мамлакатлари тарихидан биламизки, бу ўлкаларни жуда кўп босқинчилар босиб олган. Шулардан бири- араб истилочилари хисобланади. Араблар бу ерларни босиб олмасдан аввал ҳам бу ўлка ўзининг маданияти, маънавияти, дунё бозорига ҳадя этаётган маҳсулотлари билан машҳур эди.

Араблар босиб олгандан кейинги даврларда инсонларнинг ижтимоий-психологияк жиҳатлари аста-секин ўзгара борди. Илгариги зардӯштийлик ёки бошқа динлар асосидаги этник ўзига хослик аста-секин исломий ақидалар таъсирида ўз кўринишини Ислом урф-одатлари асосида ўзгаришиб борди. Энди аввалидек, зардӯштийлик ақидаларига эмас, балки исломий руҳиятта, унинг үдумлари асосида инсон руҳияти шаклланиб борди. Бу Ислом билан бирга маълум бир маданият, маънавият ҳам кириб келди, легани. Демак, ҳамма соҳаларда Исломнинг ўрни ва аҳамияти бўлганилигидан дарак беради. Ислом ақидалари асосида этник бирликларнинг ижтимоий руҳий кўринишлари шаклланиб борди.

Араблар босиб олгандан кейин ҳам туркий қавмлар орасидан дунёга машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. Улар инсоният маданиятининг, маънавиятининг, фанининг, амадиётининг ривожла-

⁶ Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. -Т.: 1968 и. 238-бет.



ишигига улкан хиссалариниң күшдилиар. Қадимги грек мутафаккири Аристотель «Муаллими ул-аввал» деб аталған бұлса, унинг ишилариниң үрганиб үзига хос ҳуласалар қылған Форобий «Муаллими ас-соний», яғни иккінчи муаллим деб аталиши бежиз әмас. Абу Али ибн Сино «Шайху үр-раис», олимлар бошчиғи деб тан олинған. Шарқдан бундай инсонларнинг чиқиши, уннинг имкониятлари чек-сизлигини билдиради. Булардан ташқары, араблар босиб олганидан кейин ҳам бу ўлқадан жуда күп шундай мутафаккирлар етишиби чиққанлар. Жумладан: Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий, Абул Аббос Фарғоний, Ҳаким Термизий, Форобий, Қамарий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср ибн Аъроқ, Илоқий, Маҳмуд Қошғарий, Журжоний, Замахшарий, Абдураҳмон Ҳасан Алқуттоний Марвазий, Ҳаким Азракий, Юсуф Саккокий, Шамсуддин Самарқандий, Нажбуддин Самарқандий, Улугбек, Қозизода Румий, Али Күпчи ва бошқаларни күрсатып мүмкін. Буларни дүнё маданиятида араб олимлари сифатида таърифлашған бўлса-ла, асли ўрта осиёлик олимлар эди. Бу ҳақида таниқли ўзбек олимни, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев шундай ёзди: «Араб» фани деб аталған Ўрта аср Шарқ фанининг ҳар хил лаврдаги деярли ҳамма марказларида Осиё фарзандлари етакчи роль ўйнади. «Араб» фанини ривожлантиришда арабларнинг ўзлари етакчи бўлган эмаслар».⁷ Шунни ҳам гаъқидлаш керакки Европада бу мутафаккирларни араб олимлари деб билишади. Шарқнинг бу буюк инсонлари ўзларининг қылған амалий ишилари билан Европадаги Ренессанснинг вужудга келишига сабаб бўлғанлар. Европага араб олимлари сифатида кириб борған кўпгина мутафаккирлар ўз тафakkурлари ва уннинг натижаси бўлган фанлардати ютуклари билан бу ўлкаларга янги бир маданият ва цивилизация олиб кира олганлар. Бу олимларнинг олиб кирган ютуклари асосида Европа тараққий этган.

Араблар босиб олгандан кейинги даврларда кескин курапалар, қаршиликларга қарамай, ерлик ҳалқ босқинчиларға қарам бўлиб қолди. Беруний ва тарихшунос олим Наршахий тасвирича босқиғчилар ерли ҳалқларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта зарар келтирди. Шунга қарамасдан, буюк авлодларимиз орасидан дунёнинг энг етук алломалари етишиб чиқди. Булар орасида Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий дунё фанининг ривожланишига үзига хос буюк хиссани қўшди.

Абу Абдулло Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 783 йили

⁷ Файзуллаев О. Мұхаммад ал-Хоразмий ва уннинг илмий мероси. -Т.: «Фан». 1983 й. 10-б.

Хоразмда тугилган. Хоразмий ўз ҳаёти давомида кўпилаб илмий асарларни мерос қилиб қолдирган. Булар қаторига «Ал-китоб ал-мухтасар фит-ҳисоб ал-жабр вал-муқобала», яъни «Алжабр ва ал-муқобала ҳисобидан қисқа хитоб», «Китоб ал-жам ва тафриқ би ҳисоб ал-ҳинҷ», яъни «Ҳинд ҳисоби бўйича кўшув ва айирув китоби», «Яхуд календарининг истихрожи», «Китоб сурати ал-ардз», яъни «Ер сурати ҳақида китоб», «Кагта Синҳаҳинҷ», «Астрономик жадваллар», «Астролябия бўйича рисола», «Қуёш соатлари ҳакида рисола», «Тарих бўйича рисола», «Мусиқа бўйича рисола»ларини ёзган.

Хоразмий айнан психология ҳақида асар ёзмаган бўлса-да, унинг асарларида инсон руҳиятига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. У асосан математика, астрономия, география, тиббиёт, тарихшунослик масалалари билан шутурулган. Ал-Хоразмийнинг фалсафий фикрлариги Б.Аҳмедовнинг илмий ишларида ва М.М.Хайруллаевнинг, Р.Баҳодировнинг «Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий» асаридан кенпроқ ўрганиш мумкин. Ал-Хоразмий ўзининг фикрларида Аристотель фикрларита яқин фикрларни олдинга суради. Ал-Хоразмий ақл ва жоннинг мавжудлигини, инсон руҳининг алоҳида жараён сифатида борлигини тан олади. Ўзининг «Мафатих ал-улум» асарида платонизмнинг асосий томонларини танкид қилиган ҳолда, руҳнинг моҳиятини тушунтириб беринига интиляди. Шу билан у диний руҳ таълимотидан ҳам узоқлашади. Инсон руҳиятини тушунтириб беришда у Форобий, Ибн Синоға яқин бўлган. Ал-Хоразмий асосан математика соҳасида фаолият кўрсатган бўлса-да, ундаги математика асосан инсон ҳаёти ва жамият тараққиётiga боғланган эди. Ал-Хоразмий инсон тафаккурининг кенглигини, ижодий фаолият ва қашғиёт масалаларини ўз ҳаёти мисолида кўрсата олган. Ал-Хоразмий фаолиятидаги математик жараёнлар бу қуруқ сонлар эмас, балки инсон ва инсоният ҳаёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий-тарихий жараёнларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб ва чукур ўрганини керак бўлган ҳодисалар йигиндисидир. Инсон ҳаёти ва руҳиятига, унинг тафаккури ва ҳаётига тегишли кўплаб мисолларни Ал-Хоразмий берган мисолларда, уларнинг ечимларида кўриши мумкин. Дейлик, Хоразмий бир мисол келтиради: «Бир одам ўлимидан илгари қолдирган васијатномасида шундай деган: 4 ўглимга ва бир қариндошимга молмулкимни шундай тақсимласинларки, ҳалиги қариндошимга тегишилиси ҳар бир ўглимга тегишилисича ва кўнимимча равишда молмулкнинг учдан биридан ўглига тегадиганини олиб танилагандан

қолганининг чораги ва яна бир дирҳам бўлсин». Бу ерда масала ҳар бир ўғлига тегишли меросни топишни тақозо қиласди. Албатта, бу ерда яна инсон руҳияти билан боғлиқ жараёнлар ҳам ётибди. Бу инсон тафаккури, қўйилган масалани ечиш учун керак бўлган инсон хаёлоти, инсон эҳтиёжини қондириш ва манфаатдорлик каби масалалар билан ҳам боғлиқдир. Аслида ҳам масаланинг асосида инсон манфаатлари, уларни ечишнинг исихологик жараёнлари ётибди. Бу каби масалаларда инсон ҳаёти, унинг фаолияти, мотивация ва установкалари ўз аксини топгандир.

Хоразмий ўзининг «Алжабр ва ал-муқобала» рисоласида олимларни иш характери бўйича 3 гурӯхга бўлади. 1) «Улардан бирлари ўзларигача қилинмаган ишларни қилиб, уни келажак авлодга қолдириб, ўзгалардан ўзиб кетадилар»; 2) «Ўзгалар ўтмишдошлари меҳнатларини шарҳлаб берадилар ва бу билан қийинчилкларни епгиллаштирадилар, қулфларни очадилар йўлларни ёритадилар, бу эса тушуниши осонлаштиради»; 3) «У ёки бу одам батъзи китоблардаги нуқсонларни топади ва узилганларни улайди».⁸ Ал-Хоразмий бу ерда олимларнинг характерини, изланишининг, тафаккурининг дарожаларини, ўз олдиларига қўйган мақсадлар ва қизиқишлардан келиб чиққан ҳолда сабаб ва йўл-йўриқларини кўрсатмоқчи бўлади.

Ал-Хоразмий материянинг асосига 4 та унсурни кўяди. Ал-Хоразмий ақл тушунчасини тунунгиринида «фаолиятий ақл», «молдлий ақл» ва «ортирилган ақл»ларга тунунчалар беради. «Ортирилган ақлни» фаолиятнинг натижаси, кишининг билиш давомидаги харакатининг натижаси леб тушунтиради. Инсон тафаккурида мантиқни ўрни ва фикрлари жараёнини Ал-Хоразмий тунунтириб, уни Аристотель фикрларига яқин ҳолда кўрсатиб беради.

Ўрта Осиёning кўзга кўринган мутафаккирларида бири бу Абу Наср Форобийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Наср Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Тархон ибн Узлиқ ал-Форобийдир. Форобий қадимги Фороб қишлоғида 873 йилда туғилган. Форобий буюк энциклопедик олим, мутафаккир ҳисобланади. Форобий илмнинг турли соҳаларида ишлар олиб бориб, 160 дан ортиқ рисолалар ёзган. Форобийнинг фалсафий асарлари ва унда олдинга сурилган фикрлар ўз даври ва кейинги даврлар учун катта туртқи бўлди. Форобийнинг асарларида ипсон руҳиятига тегишли фикрлар ҳам мавжуд. Форобийнинг руҳий жараёнлар билан боғлиқ таълимоти унинг фалсафий таълимоти билан узвий боғланиб кетган.

⁸ Файзулаев О. Мұхаммад ал-Хоразмий ва унинг илмий мероси. –Т.: «Фан», 1983 й. 4-6.

Форобий, энг аввало, қадимий грек фалсафаси билан чукур шу-гулланган. У Аристотель асарлари билан танишди. Ўзидан одинги берилган шарҳларнинг хато томонларини тўғрилашга ҳаракат кили, яъни уларни нотуғри томонларини ёритиб берли. Бунинг учун у «Фи аърозил ҳакими Арасту фи қулли мақолат мин ал-китобил мавсум бил хуруф», яъни «Арастунинг хуруф деган китобидаги мақолаларида кўзлаган мақсади», «Китоб ул жамъ байна раии аз-ҳакимайни Афлотун ал-Илохи ва Арасту», яъни Икки ҳаким – Афлотуп Илохий ва Арасту қарашлари тўплами китоби», «Таҳқиқу ғарази Арасту фи китоби Мо баъдат табиат», Арастунинг «Мо баъдат табиат» (Метафизика) китоби мақсадлари ҳақида таҳқиқлар» каби асарларни ёзди. Худди шу тарзда Форобий Аристотелнинг «Категориялар», «Герменавтика», «Аналитика» (биринчи ва иккинчи-сини), «Топика», «Софистика», «Риторика», «Поэтика» каби асарларига шарҳлар ёзди. Форобий буңдан ташқари Порфирийнинг «Мантиқ муқаддимаси» – «Исогучи» асарига ҳам шарҳ ёзди. Буларнинг ҳаммаси грек мутафаккирларининг асарларини ўрганишга бағишланган эди.

Форобий фалсафа ва табиий фанилар соҳасида юзга яқин асарлар ёзгани маълум. Кўп асарлари қўлёзма ҳолида қўлма-қўл бўлиб китоб босиш давригача жуда оз қисми колган. Форобий фалсафа, сиёсат, психология, музика, мантиқ каби соҳаларда ижод ҳам қилди.

Форобийнинг «Ўюнул масоил», яъни «Масалалар будоги», «Рисолағу фи фусусил ҳикма» – «Ҳикмат гавҳарлари ҳақида рисола» каби асарлари Форобий дунёқарашининг дурлоналари хисобланади. «Маколату фи маопил ақа» – «Ақа маънолари ҳақида мақола», «Рисолату фи ақа» – «Ақа ҳақида рисола» асарларида Форобий жуда кўп фалсафий саволларга жавоб берган ва бу унинг дунёқарashi ҳихоятда кенглигидан далолат беради. Форобийнинг яратган яна бир йирик асари бу «Китобу ороъ ахли мадинагт ал-фозила», «Ил-ал (фозил) шахар одамларининг қарашлари ҳақида»ги асарицир. Бундан ташқари Форобий «Илмларнинг бошланиши», «Мо янбаги ан яқдама қабла тааллама ал фалсафа» – «Фалсафага қадар нимани ўрганиш керак», «Маъно исм ал-фалсафа» – «Фалсафанинг маъноси», «Ат тавассут байна Арасту ва Жолинус» – «Аристотель ва Гален ўртасидаги муносабат» каби асарларни ёзиб қолдирган.

Форобий талқиписида мавжудот бир бугун ва ранг-барангидир, бужудга келган олам абадий, йўқ бўлмайди ва абадий, чексиздир. Йисон мавжудот ривожининг якуни, ақл-идрок орқали дунёни ўрганади. Маърифатга интилиш, илм-фанни эгаллаш, ахлоқли бў-

лини инсонга хос фазилатдир. Инсоннинг мақсали ақл, билим, ахлоқ ёрдамида баҳт-саодат келтирувчи жамиятта эришишдир.

Форобий таълимотича, тўртта унсур – олов, тупроқ, сув, ҳаво – соция субстанцияларнинг ўзаро аралашуви жараёнида мураккаб субстанция вужудга келади. Форобий содда субстанцияларнинг бирлашувидан, аввало, минераллар, яъни неорганик жисмлар вужудга келади, сунг эса ўсимликлар олами ташкил топади деб ёзали. Ҳамма ўсимликлар минераллардан фарқ қилиб, ўсири, улгайиш қобилиятига эгадир. Ўсимликлардан сунг ҳайвонлар вужудга келади. Ҳайвонлар ҳаракат қилиш, кўпайиш ва сезиш қобилиятига эга. Олам – жисмлар ривожининг олий босқичи, инсоннинг вужудга келишидир. Инсон барча бопиқа жисмларда бўлган хислатларга эга, лекин у бошқа жисмларда бўлмаган қобилият ва кучга, яъни ақл ва сўзлашиб қобилиятига ҳам эгаки, бу куч уни табиатнинг бопиқа жисмлардан ажратиб туради, уни табиат устидан ҳоким бўлиши имкониятини беради. Форобий ўсимлик, ҳайвон ва одамларга оид хусусиятларни қувват деб атаган. Бу қувватларни у «ўсиш қуввати», «ҳайвоний қувват», «инсоний қувват» деб белгилаган ва уни учга бўлган. Форобийнинг қувватлар тўғрисидаги классификациясини организмдаги жараёнларни биологик, физиологик-психик ва фикрлаш деб ажратиб тушунмоқ керак. Биологик жараён – барча тирик организмга, физиологик-психологик жараён – ҳайвонларга, ақлий-интеллектуал жараён – фақат инсонларга хосдир.

Форобийнинг психологияга оид фикрлари ва қарашлари

Форобийнинг руҳий-психологик жараёнлар ҳақиқидаги таълимоти, яъни психология илмининг ривожланишига қўшган ҳиссалари унинг фалсафий таълимоти билан узвий bogланган. Форобийнинг инсон ва инсоннинг руҳий жараёнлари тўғрисидаги фикрлари унинг дунёкараши тизимида дикқатга сазовор бўлган прогрессив ижобий фикрлардандир. Форобий инсондаги руҳий жараёнларни санауб ўтиш билангина чекланимади, шу билан бирга у бу жараёнларнинг келиб чиқиши, тартиби, юз бериш механизмлари ва ҳар биришининг роли тўғрисида ҳам мулоҳаза, фикр юритади. Инсоннинг руҳий қувватлари – психик жараёнлари Форобий асарида атчагина кенг ёритилади.

Форобийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақиқидаги фикрлари, «Идеал шахар ахолисининг фикрлари», «Фалсафий саволлар ва

шарга жавоблар», «Масалалар моҳияти», «Жисм ва акциденция-тарнинг шаклларига қараб бўлиниши», «Шархлардан», «Ҳикмат маънолари», «Ақл маънолари тўғрисида» каби қатор асарларида ту-шунтириб, таҳлил килиб берилган. Шуни таъкидлаш керакки, Форобийнинг психологияк таълимоти Ўрта Осиё, Эрои, Ҳиндистон ва Қадимги Грециянинг табиий-илмий билимлари соҳасидаги эриш-ган ютуқларига асосланади.

Форобий инсонларнинг психик жараёнлари ҳайвонлардан туб-дан фарқ қилишини туптушиб етди. Бу масалада Форобийнинг «Жисмлар ва акциденцияларнинг бошлангичлари ҳакида» ном-ли рисоласида баён қилган қуйидаги фикрлари характерлидир: «Одамзод бошлангичидан бўлмиш қувватлар – масалан, сўзлаш қуввати, танилаб олиш, хаёл қуввати, сезиш қувватларицидир. Булардан сўзлаш қуввати шундай қувватки, унинг ёрдамида инсон би-лим ва ҳунар этгалийди, унинг ёрдамида хулқ-автор хунук ва гўзал ҳаракатларни ажратади, унинг ёрдамида бажарилишини зарур бўлган ва бўлмаган ишиларни адо этади, шу билан бирга, зарарли ёки фойдали нарсани, лаззатли ва аччиқ нарсаларни фаҳмлайди...»

Форобий бу ерда инсоннинг ташқи оламдаги ҳодисаларни ички қувватлар асосида билиб боришини, унинг ички қабул қилиш кучи мавжудлигини айтмоқчи бўлади. Форобийдаги сўзлаш қуввати, тан-лаш, хаёл қуввати сезини қувватларига киритилади, яъни сезги деб ҳисбланади. Танилаб олиш хосияти сифатида Форобий инсоннинг бирор-бир нарсани, ҳодисани истани ёки ундан қочиши, унга бери-лини ёки ундан жирканиши, ундан таъсирланиши ёки ундан ўзини тортиши кабиларни тушунади. Бу ерда шунни пайқаш мумкинки ин-сон ҳамма нарса ва ҳодисаларга бефарқ эмас, балки у ўзицаги танилаб қилиш хусусияти, яъни диққатини қаратиш орқали ўзи учун фойдали томонларни ажратиб олади. Кўриниб турибдикли, Форобий тан-лашда инсонга тегишли онгли диққатни, сезгини, борликни идрок этишини, унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлаган ҳолда тушунган. Бунинг натижасида инсонда нафрат ва муҳаббат, дўстлик за душманлик, кўрқинч ва кўрқмаслик, газаб ва розилик, шаҳват за миннатдорлик каби хис-туйугуға оид ҳолатлар пайго бўлади леб изоҳчайди Форобий.

Хаёл этиш хосияти эса – хис этилган, сезилган нарсалар қўзда кўнголгаңдан сўнг, унинг шакли ва образини хотирада сақлаб қо-шишадир. Уйку ёки уйғоқлик пайтида бу образларнинг кўшилиб ке-таси ёки бўлиниб, ажралиб кетиши натижасида уларнинг баъзилаш-ди ётган бўлади. Форобий хаёл жараёнини инсоннинг сезги ва хоти-

ра жараёнлари билан боғлиқлигини кўра олди. Хаёл ўз-ўзидан эмас, балқы инсон тажрибаси асосида орттирган, кўрган ҳодисалари асосида пайдо бўлишини билди. Форобий психологик тушунча бўлган хаёлнинг инсон ҳаёт фаолиятида, малакалар олишида аҳамияти юксак эканлигини кўра олди.

Форобий таълимотида сезгилар ва уларнинг моддий асослари

Форобий ўз таълимотида нарса ва ҳодисаларни билиш, инсон ақлини билим билан бойитиш, уни илмли, маърифатли қилиш учун хизмат қилувчи психик жараёнларга алоҳида эътибор берди. Инсоннинг билиш жараёни ҳақидаги таълимот Форобий асарларида анчагина изчил ва мукаммал ишланган таълимотлардан хисобланади. Форобий билиш жараёнини инсоннинг ташки борлиқдаги ҳодисалар асосида, инсон сезгилари унинг асосини ташкил қилиши асосида тушунади.

Форобий инсондаги билишнинг барча босқич ва даражалари, шу вазифа учун хизмат қилувчи барча руҳий жараёнларга алоҳида алоҳида тўхтаб ўтади. Унинг асарларида билишнинг икки босқичи – ҳиссий билиш ва ақлий билиш ҳақидаги жуда асосли ифодаланган фикрлардан ташқари, ҳиссий билишнинг даражалари, келиб чиқини, матьум эволюцияси ҳақидаги ажойиб фаразлар ҳам учрайди.

Ўз «Шарҳлар»ида Форобий билиш жараёнига ва инсон билимларининг келиб чиқишига умумий баҳо бериб, бундай лейди:

«Инсон билимларини ақл ва сезили органилари орқали қўлга киритади... сезилувчи образлар ҳис этиши орқали, ақлий образлар эса сезилувчи образлар орқали билишиди...»⁹

Форобий асарларида ҳиссий билиш учун хизмат қилувчи руҳий жараёнлар ва ақлий билиш учун хизмат қилувчи руҳий жараёнларга ҳам алоҳида алоҳида характеристика берилади.

«Ҳикмат асослари»да бу ҳақида шундай ёзади: «Инсонда, унинг бошлангич вужудга келишида (яъни, туттилишида) озуқлантирувчи қувват пайдо бўлиб, унинг ёрдамида инсон овқатланади. Бундан сўнг унда тери орқали сезишиб қуввати вужудга келиб, бу қувват ёрдамида инсон иссисиқ, совуқ кабиларни сезади. Сўнг эса шундай қувват вужудга келади, унинг ёрдамида таъм-маза сезилади. Сўнг ҳидни сезишиб таъминловчи қувват пайдо бўлади, ундан кейин эса шундай

⁹ «Мажму ар-Расоил ал-Хукамо», 255-бет.

кувват вужудга келадики, у орқали ранг, ёруғлик ва барча кўринувчи нарсалар сезилади. Ҳиссий қувватларнинг келиб чиқиши билан инсонда яна шундай қувват ҳам вужудга келадики, у инсонни сезилаётган нарсага ёки диққатини тортади, ёки ундан узоқлантиради ва шу туфайли, инсонда сезилувчи нарсаларга мойил ёки нафрат, жирканиш туғилади. Бундан сўнг шундай қувват пайдо бўладики, унинг ёрдамида инсон оддин сезилган ва ҳозирда инсон эътиборидан ташқарида бўлган нарсаларнинг образини сақлаб қолади. Бу хаёл қуввати бўлиб, ҳиссий қабул этилган образларни турли тартибда комбинация қилиши (кўшиш, биринкириш, ажратиш) функциясини бажаради. Бу комбинацияларнинг бир қисми чин, бир қисми ёлон бўлади. Бундан кейин инсонда ақлий қувват вужудга келиб, унинг ёрдамида инсон онгли ва абстракт фикр юритади, санъат ва фан ҳақида билимга эга бўлади, ақли етадиган нарсалар билан шутулланади».¹⁰

«Ҳикмат асослари» (Фусус ал-Ҳикма) рисоласининг бошқа бир жойида Форобий инсон руҳий қувватларини аввало ташки ва ички қувватта ажратади ва сезиш органдари билан боғлиқ бўлганларини ташки қувват деб таърифлайди ва унга ҳиссиёг (машоир) деб ном беради.

Ҳис этиш (сезиш) хусусиятининг фаолияти маълум – бу беш турлицир. Таъм билини сезгиси билан инсон ширин ва аччиқни бирбиридан ажратади, аммо гўзаллик билан хунукликни, зарар билан фойдани ажратса олмайди.¹¹ Бу ерда Форобий сезигиларни бирбиридан фарқлашибини, уларнинг ўзига хос функциялари борлигини кўрсатиб беришга интилади. Бир сезги бошқа бир сезгининг ўтайдиган вазифасини бажара олмаслигини айтмоқчи бўлади. Шунингдек, Форобий гўзаллик ва хунуклик, фойдали ва зарарли ҳодисаларнинг инсон ўз малакалари, билимлари, тафаккури орқали англаши билан ажратса олишини, бу эса унинг эҳтиёжлари, манфатлари асосида юз беришини айтмоқчи бўлади. Демак, инсоннинг ақли, қувватигина буни сеза олади.

Форобийнинг сезиш турларига берган характеристикаси алоҳида лиққатта сазовордир, чунки у сезипчининг сифати ва миқдори ташки объектининг сезги органларига бўлган таъсири натижасида ўзгарипшини алоҳида қайд қилди, яъни унда юз берадиган психофизиологик жараёнларни тушунтириб беришга интилади.

Форобийнинг фикрича: «Ташки хислатлардан бўлган ҳар бир ҳис

¹⁰ Каранг. Закуев А.К. «Психология ибн Сина» китоби. 1958 й. 30-бет.

¹¹ «Мажму ар-Расоил ал-Ҳукамо». 241-бет.

хис этилувчи (яъни, сезувчи) нарсанинг табиатига боғлиқ бўлади. Агар хис этилган (сезилган) нарсанинг (сезги орғанига) таъсири кучли бўлса, унинг образи хис (яъни, сезги)да узоқ вақт сақданаб колади, масалан, күёшга тикилиб турйласа, кўзда қуёшнинг образи (ёруғлик) қолади.. Қуёшдан кўз узилган вақтда ҳам унинг таъсири кўзда узоқ сакланади, баъзан кўз қорачигига қаттиқ таъсир қилиб, кўзни камаштиради.

Эшитув хусусияти ҳам шундай: қаттиқ товушдан сўнг унинг жарангি бир муддатгача қулоқда қолади. Ҳидлаш, таъм билиш ҳам шу кабидир. Шу ҳол, айниқса, пайпаслаб билишда (яъни, тери – бадан орқали сезища) очик кўринади.

Хулоса, кўз – кўзгудир, хозир кўрилаётган нарсанинг образи унда акс этади. Агар кўрилаётган нарса йўқолса ва унинг таъсири кучиз бўлган бўлса, образ ҳам қолмайди.

Эшитув қуввати ёки қулоқхудди бир кўрфаздек (бу ерда Форобий қулоқ шаклини денигиздати кўрфазга ўхшатади, қулоқка уриувчи овозни эса тўлқиниарниң шовуллашнига ўхшатади), қулоқ ўзгариб турувчи ва турли томондан келиб уриувчи ҳаво тўлқинларини қабул этиб, шу хаводаги товушни эшигади.

Тугиб (уплаб) кўриш қуввати мўътадил аъзодаги бир қувват бўйлиб, таъсирланишдан хосил бўлган ўзгаришни сезади. Ҳидлаш ва таъм, маза билиш ҳоллоари ҳам худди шундайдир».¹²

Форобий ташки сезги органлари билан боғлиқ бўлган бенита сезигидан ташқари яна ички қувватларни алоҳида гурухга ажратади:

«Ташки хис кетидан унинг бир турли маҳсус шериклари мавжудки, улар жисмлардан олинган образларни тўр ташлангандек килиб тутиб оладилар. Шунинг учун ҳам бу қувват образни сақлаб коладиган қувват деб аталади. Бу қувват миянинг олд қисмида жойлашган. У хис этилган нарсаларниң образларини улар сезиш қувватларидан холи бўлган тақдирда ҳам сақлаб қолаверади».¹³

Форобий, сақлаб қолувчи қувват, деганда хозирги психологияда мавжуд бўлган ва у изланиш олиб борувчи асосий тушунчалардан бири бўлган хотира ва тасаввурни назарда тутади. Форобий хаёлни хотирадан кейин келувчи, у билан боғлиқ жараёнлигини ва инсон фикрлаш жараёни билан боғлиқлигини таърифлаб ўтгандан сўнг, инсондаги беш сезги ва хотира ҳайвонда ҳам мавжудлигини, лекин хаёл ва фикрлаш факат инсонгагина хослигини қайд қиласди.¹⁴

¹² Форобий. «Фусус ал-Ҳикма», «Мажму ал-Форобий». Қохира, 1905 й. 150–151-бетлар.

¹³ Ўша асар. 152-бет.

¹⁴ Ўша асар. 149–152-бетлар.

Форобий ташқи сезгилаар орқали билиш билан ақлий билиш ўртасидаги тафовутга алоҳида эътибор беради. Форобийнинг тарькидлашича, ташқи сезгилаар нарсаларни аниқ хоссалари, образларини бевосита акс этдиради-ю, аммо уни бир бутун ҳолда маъноси, моҳияти билан билиб ололмайди. Бу вазифани фикр қилиш баъжаради.

Форобий «Уюнул масоил» – «Масалалар манбаи» рисоласида психик жараёнларнинг турларга ажралиши ва уларнинг маълум физиологик органлари, моддий жараёнлар билан боғлиқлиги тўгрисида жуда ажойиб фикрларни якунловчи тезисини олға суралди. Бу фикр қуидагичадир:

«Қабул қилувчи қувватларга, – деб ёзди Форобий, – ташқи қувватлар (яъни беш сезги) ва ички хислар, хусусан, хаёл қуввати, хотира ва эсга тушириш қуввати, фикрлаш қуввати ва одам танасининг қисмларини ҳаракатга келтирувчи, кўрқинч ва газабни вужудга келтирадиган қувватлар киради. Бу санаб ўтилган қувватларнинг ҳар бири маълум орган ёрдамида вужудга келади, ҳеч қачон аксигича бўлмайди. Бу қувватларни бирортаси ҳам моддадап ажралган ҳолда мавжуд бўлинни мумкин эмас».¹⁵

Форобийнинг инсондаги руҳий жараёнлар тўгрисида юкоридаги фикрларидан келиб чиқсан ҳолда шундай бир якуний мушоҳадалар қилиш мумкин.

Форобий ҳозирги замон психология фанининг ютуқлари ва инсон руҳий жараёнлари ҳақидаги илмий ютуқларга яқин бўлган ва тўғри мушоҳада ютуқларига асосланган фикрларни қила олганлиги унинг асарларидан кўриниб турибди. Форобий ўз замонаси учун анчагина мукаммал тасаввурларга эга бўлган, шу асосда у тўғри фикрлаган ва тўғри талқин эта олган.

Форобий барча психик жараёнларни ташқи ва ички қувватлар, яъни одамнинг ташқи органлари билан боғлиқ бўлган ва улар асосда вужудга келгап ҳамда шу ташқи органларга бевосита боғлиқ бўлмаган, ташқаридан олингап образлар асосида ички психик жараёнлар асосида вужудга келадиган қувватлар деб иккι катта гурухга ажратади.

Ташқи қувватлар, яъни бевосита ташқи таъсир натижасида сезги органилари орқали вужудга келувчи қувватлар беш турлидир. Буларни Форобий келиб чиқиши, мураккаблиги жиҳатидан гурухларга ажратади:

¹⁵ Форобий. «Фусус ал-Ҳикма», «Мажму ал-Форобий». Қоҳира, 1905 й. 154–158-бетлар.

1. Тери-бадан сезгиси.
2. Татъм билиш сезгиси.
3. Ҳид билиш сезгиси.
4. Нұтқ сезгиси.
5. Күриш сезгиси.

Булаарининг ҳаммасини Форобий «Қувваи ҳиссия», яъни «Ҳиссиёт қуввати» деб атайди ва унинг инсонга ҳам, ҳайвонларга ҳам хос эканлигини қайд қиласи.

Форобий фикрича, ташқи қувватлардан бошқа яна ички қувваттар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуидагилардир:

1. Хотира – тасаввур қуввати – «Қувваи мутахайила».
2. Ҳаёл қуввати – «Қувваи ҳаёлийя».
3. Тўйиғ, эмоция қуввати – «Қувваи назъийя».
4. Нұтқ қуввати – «Қуввати нотика».
5. Қуввати нотика таркибида мантиқий фикрларни қуввати – «Қувваи фикрия».

Форобийнинг таъкидлашича, «Қувваи фикрия: мантиқий операцияларни бажариб, мураккаб нарсаларни билиб олиш учун хизмат қиласи» («Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари»).

Бу айтилган фикрлардан ташқари, Форобий таълимотида диккат, ҳис-туйгу, ирода каби рухий жараёнлар ҳақида ҳам айрим ажойиб фикрлар учрайди. Масалан, юқорида келтирилган цитаталарда ҳам Форобий одам эътиборини бирор нарсага жалб этадиган ёки жалб этмайдиган ҳамда кинининг газаб ва нафратини, яъни ҳис-туйгусини бошқарувчи қувватлар мавжуд эканлигини айтиб ўтади.

Форобий рухий жараёнларни қандайдир мустақил жараён деб тушунмайди, балки бу жараён ташқи борлиқ билан боғлиқ мураккаб ички кечинмалар, яъни таниқи объектив таъсирга инсоннинг ички реакцияси деб тушунади.

Форобий ўзининг «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари» асарида рухий-психик жараёнларни бирлаштирувчи моддий марказ ҳақида ҳам фикр юритади ва одамдаги физиологик жараёнлар билан психик жараёнларни боғлаш принципларини излайди.

Форобийнинг таълимотича, инсоннинг беш сезги органи беш турли вазифани бажаришга мувофиқлаштиран бўлиб, улар ташқи мухитдан олинган маълумотларни бир ятона марказга олиб келади ва бу марказда барча маълумотлар – образлар умумлашади. Одам организмининг маркази юракни, чунки юрак бутун тана ва унинг аъзоларини қон билан таъминлашти, қон юрак оркали бутун организмга тарқалади. Иккянчли марказ мияшти. Мия ҳам қон билан ти-

рик бўлганилиги сабабли, юракка бўйсунади, яъни юрақдан қон олади, лекин шу билан бирга, у бутун организм ва унинг аъзоларига раҳбарлик қиласи, ўз буйруғига бўйсунтиради, уларни маълум мўттадиликда ушлаб туради.¹⁶

Форобий бу фикрлардан, биригичидан, инсондаги руҳий жараёнлар билан физиологик-анатомик жараёнлар, психика билан организм ўзаро боғлиқ ҳолда мавжуд, деган холоса, иккинчидан, юрак инсоннинг биологик ҳаётини, мия эса унинг руҳий-маънавий ҳаётини бошқариб туради, деган холоса келиб чиқади.

Форобий таълимотида руҳий масалалар кенг ўрганилган, шу билан бирга, унинг ўз даври ютуқларидан фойдалана олганлиги, ўз фикрларида замонаси ва унинг ютуқларидан ҳам илгарилаб кетгандек кўринади. Форобийнинг психологияяга тегишили фикрларини кенг ўрганиш ва шарқ мутафаккирларини бу соҳадаги ютуқларини умумлантириш психологияя фанини янада ривожланиши учун муҳим омил бўлди. Форобий ўз фалсафий қарашларида инсон руҳиятини ҳам кенг ўрганишга интилди. Психология масалалари бу инсон ва жамият уйтунлигига, инсон ва табиат боғлиқлигига ўрганилган бўлиб, асосан инсонни ўрганиш масалалри билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Инсоннинг ҳар бир қадами унинг психологик жараёнлари билан боғлиқлигини Форобий ўз қарашларида асослаб беришга ва уни таҳлил қилишша қаратилгандир.

Форобий таълимотида тафаккур ва нутқ масалалари

Форобий билиш жараённинг икки босқичини, яъни хиссий ва ақлий билишни жуда аниқ ифодалаб беради, бу икки жараёпнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб, ақлий билиш хиссий бишишсиз вужудга келмаслигини алоҳида таъкилайди. Форобий бу икки жараённи билиш хусусиятларига эътибор бериб, ўзаро фарқларини, тафовутларини ҳам кўрсатади.

Форобий ақлий билиш масалаларига ўз рисоласида кенг ўрин ажратади, чунки бу масала унинг маърифатиарварлик ғояларининг характеристи билан бевосита боғлиқdir. Бу жиҳатдан унинг «Ақл маънолари ҳақида»ги рисоласи диққатта сазовордир.

Бу рисолада ақл – интеллект тушунчасининг Ўрта аср Шарқ шароитида турли тоифаларда турли фалсафий ва диний оқимлар томонидан қўлланиши турлари бирма-бир тасвиirlаб ўтилади. Шунинг учун бу рисола Форобий томонидан ақл ва ақлий жараёнларининг

¹⁶ Каранг. «Инқилоб», 1924 й. 11–12-сон. 104-бет.

қандай талқин этилгаплигини тушуниб олиш учупгина эмас, балки ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикрларида, умуман, ақл деганда қандай маңнолар англанилганини билиб олиш учун ҳам мұхим ахамият кашф этади. Бу рисолада Форобий ақла түщунчасининг 6 хил маңнода, бир-бирига bogliq бўлган олти тури мазмун билан кўлланишини таъкидлайди.

Форобий томонидан битилган ва диққатта сазовор бўлган бу рисоланинг энг мұхим томони шундаки, унда Форобий ақлнинг, бир томондан, психик жараён эканлигини, шунингдек, иккинчи томондан, у ташқи таъсирнинг, таълим-тарбиянинг натижаси эканини яхши изоҳлади. Бу икки омил ақлнинг шакланиши учун асосий хусусият эканлигини, руҳиятда ақлнинг, яъни тафаккурнинг ўрни, умумлаштириш, фаҳм-фаросат билан боғлиқлигини кўрсатиб беришга интилади.

Форобийнинг фикрича, ақл факат инсонгагина ҳос бўлган туғма қувват – руҳий куч билан боғлиқдир. Инсон тушуниш, фаҳмлаш, мұхокама қилиш, ўйлаб топиш, фикрлаш қувватига тутилишдан эга бўлади ва уларнинг қандай вужудга келганини ўзи ҳам билмайди, бу хусусиятлар боланинг ўсиб, камолга ега бориши билан ривожланниб боради.

Рисоланинг бошқа бир жойида «ақл» ва «ақлли бўлиш» кўп нарсани қўриш, билиш, тажриба ортириб борини, турли ҳунарларга ўргана бориши натижасида қўлга киритилиши мумкинилиги қайд қилинади.

Биринчидан, ақлнинг тутма бўлиб қўринувчи қувватлар билан боғлиқлиги инсон психик жараёнлари таркибига киради.

Иккинчидан, ақлнинг билим, ҳаётий жараёнлар натижасида бойиб бориши таълим-тарбияга боғлиқлигини Форобий ўз таълимотига кўрсатиб беради.

Форобий асарларида инсон психикасининг бошқа қатор масалалари ҳам кўриб чиқлади, дейлик, ирода, малака, ҳис-туйғу, қобилият, ижод, ихтиёрий ва ихтиёrsиз ҳаракатлар тўғрисида ҳам қимматли фикрлар учрайди. Форобий ўзининг «Фозил шаҳар ахолисининг фикрлари» асарида психологик, ижтимоий-психологик фикрлар ва уларнинг таҳлили ҳақида фикрлар билдиради. Форобий қайси психологик тушунчаларни таҳлил қиласин, уларни физиологик-анатомик томонларини ҳам тушунтириб беришга ҳаракат қиласи. Форобий инсон тафаккурини жуда катта имкониятларга эгалитини, факат уни бошқариш ва яхши амалларга қаратиш орқали инсон юксалиб боришини, унинг тафаккури бу ташқаридан

оладиган құзгаттичлар орқали, орттирилған билим ва малакалари билан бөглиқ ҳолда юз бериппини күрсатиб беради.

Абу Али Ибн Сино ва унинг психологик қарашлари

Шарқ үйғониш даври маданиятининг Форобийдан кейинги буюк намояндаларидан бири бу Абу Али ибн Синодир. Буюк олим Ибн Сино (980–1037) Бухоро шаҳрига яқын Афшона деган қишлоқда амалдор оиласыда туғилды. Абу Али ибн Сино жуда меҳнаткаш ва ғайратли мутафаккир сифатида 300 дан ортиқ асарлар ёзған. Абу Али ибн Сино ҳақиқий энциклопедист олим сифатида ўз даврида мавжуд бўлган деярли ҳамма фанлар билан муваффақиятли равишда шугулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Замонлар ўтиши билан у яратган асарларининг кўпчилиги йўқолиб кетган, шунга қарамай ҳозирда унинг 242 тага яқин асарлари бизгача етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафа, илоҳият ва тасаввуғға тегишли, 43 таси табобатта оид, 19 таси мантиққа, 26 таси психологияга, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси астрономияга, 1 таси математикага, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишилган.

Ибн Сино ўзи ҳақидағи маълумотларда Бухоро подиохини даволаганини ва унинг рухсати билан шохнинг кутубхонасидан фойдаланганини эслаб ўтади. «Кутубхонада менга керак бўлган китобларни танлаб олдим. Мен у ерда кўпчилик халқ кўрмаган, ҳатто номини эшитмаган китобларни кўрдим. Ўзим ҳам аввал уларни кўрмаган эдим, ундан кейин ҳам кўрмадим, деб эслайди. Ёшим ўн саккизга борганида бор илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлдим. Менинг билимларим ёшлигимда ўрганганларимдан иборат эди, ундан кейин янги бир нарса кўшганим йўқ...»

Ибн Сино ёзиг қолдирган асарлар юкорида айтганимиздек лиҳоятда кўпдир. Уларнинг баъзилари олим ҳаётлигига ёқ, йўқолган эди.

Биз улардан намуналаргина келтирамиз. Дейлик, «Китоб ал мажмуть» – «Тўплам китоби», «Китоб ал-ҳикмат ал-кудсия» – «Муқаддас ҳикмат китоби», «Китоб ал-инсоф» – «Инсоф китоби», бунда Аристотелнинг ҳамма китобига шарҳ килаган, «Китоб ал-коинун» – «Қонун китоби», «Китоб ан-нажот» – «Нажот китоби», «Китоб ал-мухжат» – «Жон-руҳ ҳақида китоб», «Ал-Жумал мин адиллат ал-муҳиққа ли бақон ал-нағфс ал-нотиқ» – «Нафси тониқа» «Нутқли жонининг мангу бўлиб қолишини исбот қиладиган баъзи далиллар», «Мақола фи

ал-қувво ал-инсония ва идроко тихо» – «Инсоний құввалиар ва уларнинг идроклари», «Шарқ китоб ал-нафс ли Арасы» – «Аристотел-нинг жон ҳақидағи китобининг шархи», «Рисола фи ал-ишқ» – «Ишқ тұғрисида рисола», «Рисола фи ал-хадис» – «Ешилик тұғрисида рисола», «Рисола фи ал-ахлоқ» – «Хулқ тұғрисида рисола», «Рисола фи ал-нафс» – «Жон тұғрисида рисола», «Мақола фи ал-нафе йұтърафу би ал-фусул» – «Жон ҳақида «Ал-фусул» номи билан машхур бўлган мақола».

Абу Али ибн Сино фаолияти ҳақида жуда күплаб фикрлар билдиришган. Дейлик, И.Брагинский ўзининг «12 миниатюр. Рудаки, Фирдоуси, Ибн Сина, Насир Хусроу, Гургани, Хайям, Низами, Руми, Саади, Хафиз, Хужанди, Джами» номли асарида шундай ёзади: «Ибн Синосиз, унинг фалсафасисиз Хайём, Носир Хисрав, Ҳофиз ва Жомий сингари поэзиянинг буюк памояндаларини, уларнинг ижодидини тушуниб бўлмайди».

Ибн Синони юонон файласуфларининг шогирди ва уларнинг қилинган ишларини давомчиси деб кўпгина олимлар баҳо берган эдилар. Ибн Сино ҳақида Б.Серебряков ўзининг «Трактат ибн Сины о любви» асарида шундай деб ёзади: «Ибн Сино нафақат юонон файласуфларининг давомчиси, балки ал-Форобий кўрсатиб берган йўналишдаги уларнинг ишини ривожлантирган буюк гениал давомчисидир».¹⁷

Ибн Сино ўз фаолияти тұғрисида, унинт инсонларга фойдалылығи ҳақида ўзига хос тушунчага ҳам эга эди. Бу ҳақида унинг қуйидаги тұртлиги айниқса дикқатта сазовор:

Мени коғир этмак эмасдур осон,
Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон,
Юз шилда бир келур мен каби инсон,
Демак бу дунёда йўқ бир мусулмон.¹⁸

Бу тұртлиқда Ибн Сино худди ўзини юз үйлда бир келадиган, буюк аллома эканлигини айтмоқцидек түйилади. Ҳақиқатдан ҳам Ибн Сино каби инсонлар юз үйлда, ҳатто минг үйлда бир марта дүлгөга келади. Ибн Сино ўз тафаккури, дүнёқараashi жиҳатидан замондошларидан илгарилаб кетгапини, яраттан илми ва ютуқлари замонасининг илғор ютуқлари эканлигини яхши билган. Ўзининг тафаккур килип даражаси ҳам замондошларидан тубдан фарқланишини анлаган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Үрта асрларда психология мустақил фан сифатида ҳали мавжуд эмас эди. Буни биз Форобий ҳақида

¹⁷ С.Серебряков. Трактат ибн Сины о любви. Тбилиси. 1876 г. стр. 13.

¹⁸ Ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достонлар. Тузучи А. Ирисов. 1981 й. 48-б.

бийдиргән фикрларимизда ҳам айтиб ўтган эдик. Қадимги Гречиядати каби уни фалсафа фанининг бир бўлгаги сифатида қаралиб келинган. Ибн Сино ҳам психологияни фалсафий, тиббий масалаларни ўрганиётганда бир бутун ҳолда кўриб чиқади.

Инсон, ҳайвон ва ўсимликлар муаммоси, тана ва рух бирлиги каби масалалар фалсафада табиатнинг фалсафий масалалари сифатида ўрганилиб келинган. Бундай умумиётлик асосида қараш Ибн Синонинг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган.

Ибн Синонинг психологияга бўлган қизиқини Аристотелнинг «Жон ҳақидаги» таълимоти билан, шунингдек, антик даврнинг бошқа намояндаларининг таълимотлари билан танишиш орқали пайдо бўлди. Унга ал-Кинди, ар-Розий, Форобий каби буюк Шарқ мутафаккирларининг таъсири катта бўлди.

Тиббиёт билан шугуланиш Ибн Синодан беморларга дикқат билан қарашни, уларнинг ҳолатларини кузатишни, шунингдек, инсон анатомиясини ва физиологиясини жиҳдий ўрганишини, албатта, инсон танасининг асаб марказларини ва тизимини яхшилаб ўрганишини талаб қиласр эди. Ибн Сино касалларни даволаш билан бирга, уларнинг руҳиятини, бу касалларнинг нималар билан қизиқишини, уларни нималар ҳақида сўзлашишини ҳамм дикқат билан кузатиб борди. Бундан кўриниб турибдики, Ибн Сино касаллардаги руҳий ўзгаришларни ҳам кузатиб борган.

Ибн Синонинг психологияга қизиқипни фақат тиб нуқтаи назаридан эмас, балки шу касалларни тарбиялаш ва ўргатиш масалаларини ҳам дикқат назоратига олиш эди. Маълумки, касаллик даврида кимлигидан, қандай малакаларга эталигидан катъи назар касаллар ўз бошидан маълум бир психологик жараёнларни кечиради. Ибн Сино эса айнан даволаш даврида касалдаги шу жараёнларни ҳам кузатади.

Ибн Синонинг психологияга қизиқишининг асосини фалсафанинг мухим масалаларидан бири бўлган тана ва руҳнинг бирлиги ҳақидағи масалаларни ўрганишдан, бу масалаларга жавоб излашдан қидириш мумкин. Маълумки Ибн Сино тана ва руҳнинг, психик жараёнлар ва организм муносабатларини талқин қилинди Аристотель таълимоти таъсирида эди. Шунинг учун ҳам Ибн Сино кўптина фалсафий ва психологик масалаларни ўрганиндида материализм ва идеализм ўргасида иккиланиб турар эди.

Ибн Сино инсон ҳақида, унинг тузилиши ҳақида шундай ёзади: «Инсон икки субстанциядан ташкил топган, ҳам бир руҳ ва танадан. Та на узининг барча орган (аъзо)лари билан руҳга ишсатлаш» унинг инс-

труменити ҳисобланади, рух эса ўзининг фаолияти давомида тана-дан фойдаланади». ¹⁹ Ибн Сино бу ерда инсонда юз бераётган рухий ҳолатлар, унинг танасидаги ҳолатни, хатти-ҳаракатни бошқаради демоқчи. Ҳақиқатда ҳам инсондаги рухий ҳолатлар инсон томонидан қанчалик яширилмасин, унинг хатти-ҳаракатида, ички кечин-маларида ўз аксини топади. Инсоннинг кейинги қадамлари шулар асосида бўлади. Қаттиқ ҳоргинлик, чарчани ва толиқин қанчалик яширилмасин, у инсонни хатти-ҳаракатларида, ўзини тутишида акс этади. Бу ерда инсон танаси унинг рухий ҳолатларидан келиб чиқкан ҳолда ўзини маълум бир кўринишда тутади. Шу билан бирга инсон рухиятига таъсир этувчи, уни қувонтирадиган бирор-бир ҳолат юз берса, инсон шу рухиятдан келиб чиқиб ички қувватларни ишга солади. Бу эса айнан Ибн Синонинг юқоридағи фикрини тасдиқлайди.

Инсон соғлиги ва унинг психик фаолияти ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганиб, Ибн Сино фақат уларни таҳлил қилибгина қолмади, балки инсон ва ҳайвон ўртасидаги фарқ, амалий малакаларни ҳам таҳлил қилди.

Ибн Сино руҳининг танага таъсирини, уларниң ўзаро психик ва физиологик жараёнлардаги таъсирини, ташқи мұхитнинг организма таъсирини күрсатиш учун тажрибалар ўтказди. Ибн Сино иккита қўйни олиб уларга бир хил миқдорда ем беради. Лекин бирини бўри болграб қўйилган жойдан сал нарига, унинг рўнарасига боғланади. Иккичисини эса тинч ва холи жойга боғлайди. Бўрининг рўнарасига боғланган қўй тез орада озиб-тўзиб кетади. Қўйга берила, ҳизги озуқа қўпайтирилса ҳам у озаверади. Иккичи қўй эса се-мириб боради.²⁰

Бу ерда Ибн Сино ўтказилган тажрибани шундай изоҳлайди:

«... шакл бу ерда ташқи ва ички сезгилар орқали бир вақтда идрок этилади. Бу воқеада қўй ташқи сезги органлари орқали бўрини сезади ва бу аста-секин унинг ички сезги органларига таъсир этади. Бўри қўйга нисбатан қарши бўлган ҳайвон эканлиги учун, уни еб қўйиши, ҳужум қилиши хавфи унинг ташқи сезги органларидан, ички органларга ўтади. Қўй бўридан қочишга ҳаракат қиласи. Натижада еб турган овқати татимайди. Тана кучли рухий таъсир остида қолади».²¹

¹⁹ Ибн Сино. Толькования снов. Тегеран. 1935 г. с. 4.

²⁰ Ромадин В. А. Великий ученый Средней Азии Ибн Сина. -М.: 1952 г. с. 36.

²¹ Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. -М.: 1961 г. с. 224-225.

Ибн Сино уч турдаги рухий қувватни, яъни ўсимлик, ҳайвон ва инсоний қувватни ажратыб күрсатади. Ўсимлик қуввати асосан озукланиши, ўсили, күпайишта сарфланади. Ҳайвоний рухий қувват әркін ҳаракатда, қобилият ва сезидан иборат. Аристотелдан кейин Ибн Сино психик жараёнлар фақат ҳайвонға ва инсонларғагина хослигини исботтаб берди. Шу билан бир вактда, ҳайвонлар психикаси инстинктлардан иборат, ақлий мантиқий қувват фақат инсонғагина хосдир, дейди Ибн Сино. Мия инсоннинг фикрловчы органидир», ... у илрок қилади, сезилган образларни сақлады, хаёлда сақланған образларни бошқаради». Ибн Сино бу ерда инсон миясини психик жараёнларнинг маркази сифатида билгани кўриниб турибди. Бу жараёнлар сезги ва органлар ўргасидаги ҳаракатларни боғлаб турувчи нерв тизими орқали амалга ошади. Бу унинг фикрларида бир неча маротаба таъкидланиб ўтилади.

Ибн Сино нервнинг асосий вазифаси бу сезги органлари ва ҳаракатни мия билан боғлаб турувчи вазифа эканлигини яхши билған. Нерв орқали ташқи мөддий борлиқ идрок этилади ва иродавий хатти-ҳаракатлар амалга ошади, деб кўрсатади Ибн Сино.

Ибн Сино инсон психик жараёнларининг ҳар хиллигини, унинг нерв тизими билан, нерв тизимини тузилиши билан боғлиқ эканлигини тушунтиради. Ибн Сино инсон нерв тузилишини яхши ўрганишга ва уни рухий ҳолатлар билан боғлиқдигини асослаб беришга интилади. Олим юқоридаги мисолда касаллик пайдо бўлишида салбий ҳиссиятларнинг катта роль ўйнашини мисолда аниқ кўрсатиб берган. Ибн Сино бундай дейди: «Нерв тизими узок давом этган салбий ҳиссиятлар таъсирида жуда ҳам тарангланиб, бу тун организми ҳолдан тойдиради, бунинг натижасида турли касалликлар юзга чиқади».

Ибн Синонинг фикрича, инсонларда 15 жуфт нерв толаси мавжудdir, шундан 7 жуфти бош миядан чиқади. Саккиз жуфти эса орқа миядан чиқади. Ибн Сино томонидан айтилган бу фикрлар қаңчалик бўлишига қарамай, ўрта асрлар учун жуда катта ютуқ ҳисобланар эди. Бунда Ибн Синонинг психологик қараашларини тушунтиришнинг материалистик томони кўзга ташланар эди.

Абу Али ибн Синопинг бош мияда айрим нерв марказлари мавжудлиги ҳақидаги фикри – фанда биринчи бўлиб олдинга суринган фикрлардан эди. Ибн Сино фикрича, миянинг олд қисмиде сезиш маркази, ўрта қисмиде сезиларни умумлаштирувчи марказ, орқа қисмиде ёдда сақлаб қолиш, яъни хотира маркази жойлашган. Бундай фикрларни айтиши, унинг фан соҳасидаги олдинга кетиши,

амалий ва назарий умумлаштиришларни түгри олиб борғанлыгидан далолат беради. Психология фанининг асосини ташкил этувчи нерв тизими, унда содир бўлаётган жараёnlарни Ибн Сино яхши билгаилиги ва ундан фойдаланиш йўлларини излаганилиги унинг амалий тажрибаларида яққол кўзга ташланади. Дейлик, Ибн Синога шогирдларидан бири беморнинг аҳволи ҳақида ганириб доимий қабзиятини хеч қандай дори билан даволай олмаёттанини айтади. Шунда Ибн Сино шогирдига шундай маслаҳат беради: ўша касалга айтинг: ҳар куни маълум бир вақтда ўз итини бўшатишга уринсин. Бир қанча вақт ўтгацдан сўнг бу одатта кириб қолади ва у қабзият касаллигидан кутиласди. Ибн Синонинг бу бергаи маслаҳати шартли рефлекс пайдо қилиш демакдир. Кўриниб турибдики, Ибн Сино инсон психик жараёnlарининг мухим томони бўлган рефлекслар ва улардан фойдаланиш ҳақида ўзига хос малакаларни ҳам ўзлаштирган экан.

Мияният инсон билишининг, ҳаракатланишининг ва руҳий қувватини маркази деб тан олиниши – Ибн Синони ўзининг биринчи устози Аристотелдан ҳам анча илгарилаб кетганлитини кўрсатади. Маълумки, Аристотель инсон юрагини тананинг маркази деган эди. Аристотель руҳнинг жойлашган жойи бу юрак деб билар эди. Бешта сезги органи бутун ҳисларни юракка узатиб туради, деб ҳисоблар эди.

Ибн Сино мияни психик фаолиятнинг умумий маркази эканлигини нафақат исботлашга ҳаракат қилди, шу билан бирга, мияният ўзида ҳар хил руҳий қувватларнинг марказини топинига иштилди. Бу Ибн Синонинг энг катта ютуғи, яъни унинг психологик таълимотининг талабаси эди.

Ибн Сино биринчи бўлиб психик функцияларни локализацияланиши (психик жараёnlарнинг бирор жойга ботлиқ бўлиши) ҳақидаги фикрни айтган эди. Ибн Сино юз бераётган маълум бир психик жараёnlарни, унинг функцияларини мия фаолиятидаги маълум бир марказлар бошқаришини кўра олди. Бу таълимот ўрта асрлардаги Яқин Шарқ давлатларида психик жараёnlарнигина кам тушуниш учун катта роль ўйнади.

Ибн Сино фикрича, ҳайвонларда ва инсонларда, ўсимликлардан фарқланган ҳолда сезинига, таъсир этаётган кўзғаткичларни идрок этишига, иродавий хатти-ҳаракат қилишига қобилият бўлади. Бу қобилиятларни Ибн Сино руҳий қувватни ишлаб чиқариш билан боғлайди.

Ибн Сино ақлий қувватни уч турга бўлади: ҳаракатланувчи, та-

нани рух ёрдамида ҳаракатга олиб келувчи (бош миядан нерв толаларига ёйилувчи), умумий қувват (яни, кўриш, эшитиш, таъм билиш, хид билиш, тери қуввати), шунингдек, ақлий қувватга ажратади. Ақли қувватга хаёл, хотира ва тафаккурни киригади.

Ибн Сино юқорида санаб ўтилган ҳар бир ташқи ва ички қувват миянинг маълум бир қисми билан боғлиқ, у касалланганда ёки лат етгацда айнан ўша жой ишдан чиқади ва инсон шу қувватдан, қобилиятдан маҳрум бўлади деб ёзди. Ибн Сино ҳар бир сезги органининг тузилиши, жойлашиши ва ишлаш механизmlари ҳақида, уларни даволаш ва инсон рухиятидаги ўрни, аҳамиятига тұхтаб ўтади. Булар ҳақида Ибн Синонинг «Тиб Конунлари» асарининг I китобида баён этилган.

Ибн Сино инсондаги эстетик лаззатланишни ҳам психологияк жараёнларга қўшиб фикрлар билдиради. Ибн Сино лаззатланишнинг сабаблари, унинг юз бериши, турлари, механизми ҳақида фикрлар билдирган. Бу ҳам унинг таълимотининг диққатга сазовор томонини ташкил этади. Ибн Сино лаззатланишини икки турга ажратиб, шундай ёзди: «Бу (сабаблар) ҳам икки турлидир. Булардан бири – гайритабиий мизожни тұстадан ўзгариши билан ҳис пайдо қыладиган тури. Иккинчиси – узлуксизликнинг бирданига тикланицидан пайдо бўладиган тури. Воқе бўлмаган нарса эса ҳис қилинмаиди ва лаззатлантирмайди».²²

Ибн Сино лаззатланиш ҳисси ҳақида фикр билдириб, шундай ёзди: «Лаззатланиш – ёқимили (нарсани) сезишдир. Ҳар қандай ҳис сезиш қуввати орқали пайдо бўлади ва (у шу қувватнинг бирор) таъсирини қабул қилишдан бўлади».²³ Бу ерда Ибн Сино психологиядаги ҳиссиёт билан боғлиқ фикрларни ёритиб берган. Маълумки, ҳиссиёт – бу мураккаб психологик жараёндир. Инсоннинг борлиқдаги воқеаларга бўлган муносабати албатта шу ҳиссиётда кўринади. Яъни у лаззатланади ёки азобланади, роҳатланиб ўзига янти бир куч топа олади ёки ғазабланиб, ишлари ҳам ривожланмай қолади. Буни эса Ибн Сино ўз тафаккури ила кўра олган. Инсонни катта ишларга чорлайдиган, келажакка умид кўзи билан қарашга мажбур қыладиган катта куч – бу, Ибн Сино кўрсаттанидек, лаззатланиш, Роҳатланиш ҳисси ҳисобланади.

Ибн Сино психологик жараёнларни таҳлил қилас экан, инсонга хос бўлаган фикрлаш қобилиятини, яъни тафаккурни юксак баҳолаган.

²² Абу Али Ибн Сино. «Тиб Конунлари». –Т.: 1983 й. 218-б.

²³ Ўтиа китоб. 218-б.

«Фикрлаш қуввати – деб ёзади Ибн Сино, – яхши ва ёмонни, ҳақиқатни ва ёлғонни хәёлларда акс эттан ҳодисалар тарзида текширади».²⁴ Унинг фикрича, тафаккур инсон амалий ҳаёти давомида орттириб борган билимлар тизимини, малакаларини айнаи тафаккур жараёнида таҳлил қилиб боради. Тафаккур инсоннинг буок неъмати эканлигини унинг ҳаёт фаолиятидаги барча жараёnlар шу туфайли текширилиб, яхши ва ёмон томонларга ажратилишини айтмоқчи бўлади.

Ибн Сино хотира қувватини идрок этилган бир объектии идрок этилган иккинчи объектдан фарқлаш ва ақлни мустаҳкамлашда кўринади деб ёзади. Психологик жараёnlарни Ибн Сино алоҳида ўргангандан бўлса ҳам уларнинг бир-бири билан алоқасини жуда ҳам чуқур эканлигини айтиб ўтади. Тафаккур хәёлдаги ҳодисаларнинг тўгри ёки нотўгрлигини тасдиқлайди ва уни хотирала саклаб туради, керак бўлганда унга мурожаат қиласиди, деб ёзади у.²⁵

Бу айтилган фикрлардан Ибн Синонинг ҳаёл ва хотира тафаккурга боғлиқ деган фикри яққол кўзга ташланади. Тафаккур муҳим бир вазифани ўтайди, яъни усиз ҳақиқатни таъсдиқлап қийиндир. Тафаккур инсон психик жараёнининг марказида бўлади. Инсон бирор парсани сезадими ёки ҳаёлда тасавур қиласими, барибир бу инсон тафаккури орқали таҳлил қилинади.

Ибн Сино инсондаги ҳаёл ҳақида шундай ёзади: «Ҳаёл инсон образини фидан ҳам катта қилиб яратиппи ёки инсонни шер калласи билан тасавур қилиб яратиш мумкин».²⁶ Олимнинг фикрича, ҳаёл орқали ҳамма нарсанинг образини яратиш мумкин, лекин инсон сезги орқали фақат нимани ҳис этса, шунни идрок этади.

Рус медицинаси тарихчиси Ф.Р.Бородулиннинг фикрича, Ибн Синонинг қашфиётлари фақат килиник медицинада эмас, балки умуман медицина тарихида энг муҳим қашфиётлардан. Умуман олганда, Ибн Синонинг нерв тизими тузилипни ва унинг вазифалари ҳақидаги фикрлари ҳозирги замонга ҳам тўтри келади.

Маълумки, психология тарихида ўтмишнинг буок табиби Гиппопократ одам органида қайси суюқликнинг устун туришига қараб кишиларни тўрт тип (темперамент)га бўлган эди. Бунга биноан тўртта суюқлик – қон, ўт, қора ўт, шиллик инсон танасида мавжуд бўлиб, унинг миқдорига асосан инсон маълум бир касалликларга чалинади. Ибн Сино ҳам Гиппократнинг бу назариясига қўшилади. Унинг фик-

²⁴ Ибн Сино. Толкование слов. с. 6.

²⁵ Уша китоб. 51-б.

²⁶ Уша китоб. 51-б.

рича, ҳам инсон танасидаги бу суюқликларнинг қайси бири устун туришига қараб, инсон темпераменти ҳам мавжуд бўлади. Қоннинг устун туриши сангвиник темпераментга, қуруқ сарик ўтниң кўйлиги – холерик темпераментга, қора ўтниң кўпроқ бўлиши флегматик, шиллиқнинг кўп бўлиши меланхоликка ҳос. Шарқ табобатида шунга яраша тўрт хил мизож тушунчаси келиб чиқдан. Бу тушунчага асосан кишиларни иссиқ, совуқ, қуруқ, ва нам мизожли кишилар деб тўрг сифатга бўлинган. Озиқ-овқат ва дори-дармонларни ҳам иссиқ, ва совуққа бўлинган.

Абу Али ибн Сино фикрича, мизожнинг мувозанатдан чиқиши икки хил – оддий ва мураккаб бўлади. Оддий мувозалат бузилишида тўрт хил мувозанатдан бири устун бўлиб қолади, яъни ё иссиқлик, ё совуқлик, ё қуруқлик, ё намлик. Иссиқлик ва совуқлик мизожлари фаол мизожлардир. Қолган иккитаси – қуруқлик ва намлик мизожлари эса пассив (суст) мизожлар ҳисобланган. Бу фикрлар айнан психология фанидаги темперамент, яъни холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик тушунчаларига яқин туради.

Ибн Сино инсон соглиқини унинг руҳияти билан боғлиқ, деб билган. Шунга асосан у соглиқни сақлаш шартлари килиб қуийдаги еттига шартни айтади: мизожни нормал қилиш, овқатнинг ўзига мосини таълаш, гавдани чиқицилардан тозалаб туриш, гавда тузилишини сақлаш чораларини кўриб бориш, кийимни тоза тутиш, нормал жисмоний ва руҳий ҳаракатлар қилиш чоралари. Уйқу ва белорликнинг нормал бўлиши ҳам шунга киради. Соғлом кипи, дейди Ибн Сино, уйқуга эътибор бериши зарур. У уйқудан ўз вақтида тўғри фойдаланиши керак, ортиқча ухламасликка ҳаракат қилиши лозим.

Ибн Синонинг психологияга оид кўплаб фикрлари мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги асарларида мавжуд бўлиб, улар ўзбек тилига таржима қилинмаган. Унинг психологияга тегишли меросини ўрганар эканмиз, қуйидаги жиҳатларни кўришимиз мумкин. Биринчидан, Ибн Сино инсон руҳиятини фалсафий, тиббий, тарбиявий масалаларни таҳлия қилиш давомида ўрганди. Иккинчидан, Ибн Сино тиббий масалаларни ўрганиш давомида, содда шаклда бўлсада, унинг психо-физиологик механизmlарини, қонунларини яратиб бера олди. Бу Ибн Сино яшаган давр учун улкан ютуқ эди. Шуни ҳам таъкидлам керакки, унинг бу соҳада қилиган ишлари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Учинчидан, психик жараёнлар марказида инсоннинг мияси туриши, унинг бошқарувчилик вазифаси фанда биригичи маротаба айтилган эди. Тўртинчидан, Ибн Сино психо-

логик жараёнлар – бу мураккаб инсон ҳаёт фаолияти, борлық билан бўладиган муносабатларда пайдо бўлиб ривожланадиган ходиса эканлигини кўрсатди. Бешинчидан, Ибн Сино психологик тушунчалар бўлган сезги, идрок, хотира, хаёл, темперамент, тафаккур каби жараёнларни ҳам алоҳида, ҳам бошқа фанларга қиёслаб ўрганиши лозимлигига диққатини қарата олди.

Абу Али ибн Синонинг ижтимоий-фалсафий қарашлари

Абу Али ибн Синонинг психологияга оид фикрлари фалсафий масалалар билан уйғуналашиб кетган бўлиб, борлық, инсон, табиат ва инсон руҳияти масалалари билал биргаликда кўриб чиқилади. Унинг фикрича, фалсафанинг вазифаси – мавжудотни, яъни барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтиш даражаларини ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Ибн Синонинг фикрича, олам яхлит ва мураккаб борлиқдир. Бу борлиқни ҳар томонлама текшириш учун у зарурият, имконият, воқелик ва сабабият тамойилларини асос қилиб олади. Ибн Синонинг фикрича, материянинг энг содда бўлакларига бўлинмайдиган шакли тўртга унсурдан – яъни ҳаво, ўт, сув, турироқдан иборат. Уларни турли хиз бириқувидан мураккаб, моддий нарсалар ташкил топади, деб ёзади. Бу моддий нарсаларнинг моддий асоси бўлган тўрт унсур ўзгармайди ҳам, йўқолмайди ҳам. Материя – ҳаракат, вақт, фазо билан узвий боғлиқ, деб ёзади Ибн Сино.

Ибн Сино фалсафий фанларни иккига, яъни назарий ва амалий қисмга бўлади. Унинг фикрича, назарий илм кишипнинг ундан ташқарида мавжуд бўлган борлиқ тўгрисидаги билимларидан иборат. Амалий илм эса кишининг фаолияти тўгрисидаги билимларидир.

Ибн Сино фаннинг назарий қисмини, ўз навбатида яна учга бўлади. Бу уч қисм табиат, математика, теология ҳисобланади. Бунинг сабабини у мазкур фанларнинг ўрганиш, текцириш обьектлари турлича бўлиши билан изоҳлайди. Ибн Синонинг фикрича, тибииёт моддий борлиқ ва ҳаракатларни ўрганади. Математика фани материя ва ҳаракатта боғлиқ обьектлар (тўртбурчак, шар, айлана, ва шу кабилар)нинг ҳажмини ўрганиш билан ўзгурулланади. Теология фани материя ва ҳаракатта боғлиқ бўлмаган обьектлар, масалан, Яратганинг илохий фаолиятини ўрганади.

Ибн Сино амалий илмни ҳам уч қисмга бўлади. Биринчи қисм

фақат шахсга оид бўлган билимларни ўз ичига олиб, кишининг бу ва «нарити» дунёда баҳтга эришини учун унинг характеристи канадай бўлиши кераклигини ва бунинг учун нималар қилиш кераклигини ўргатади. Амалий илмнинг иккита қисми кишиларнинг оиласадаги ўзаро муносабатлари ҳақида баҳс этади. Учинчи қисми эса бир шаҳар ёки мамлакат ичидағи ҳалқларнинг ўзаро муносабатларига оид масалаларни таҳдил қиласди.

Ибн Сино ўзининг «Рисолатун фи таҳсин ал-мавжудот» асарида бутун борлиқни таркибий қисмларга бўлиб, санаб ўтади ва уларга характеристика беради. Вужуди вожиб, вужуди мумкин, субъстанция, акциденция, материя, шакл, ақл, жон, тўрт унсур, жисм, кувват, сезиш, минерал, ҳайвон, нутқ каби категориялар бу рисолада қисқача таърифланади.

Ибн Сино билиш назариясини ҳам худли юқоридаги каби материялистикасосдан тушунтиради. У биллип – сезигилар ёрдамида ҳиссий билиш ва тушучалар ёрдамида фикрлаш, билишдан ташкил топади деб ёзади. «Сезиш, – деб ёзади Ибн Сино, – бу шундай қувватки, у ташкил нарсаларнинг ўзи бўлмай, балки бизнинг ҳисларимизда вужудга келади. Сезигида нарса-ҳодисаларнинг айрим ташкил белгилари, конкрет томонлари билинса, ақл уларнинг моҳиятини, ички томонларини мавхумлаштириш орқали била олади».

Ибн Сино фалсафаси ўзига яраша қарама-қаршиликлардан иборат. Абу Али ибн Синонинг фалсафага оид асосий асарлари бу «Донишнома», «Китоб уш-шифо», «Китоб ан-нажот», «Китоб ал-ишорат» кабилар ҳисобланади. Ибн Синонинг фикрича, фалсафа бутун борлиқни ифодалаб берувчи фандир. Борлиқ эса уч нарсадан – жисмоний, ақлий ва илоҳий категориялардан ташкил топган. Ибн Сино ижтимоий ҳаёт ҳақида ҳам фикр билдириб бундай дейли: «Ҳукмдор мамлакат қонунлари мажмуасини тузинда ҳалқнинг ҳаққоний, ахлоқий ва асрий анъанавий ҳусусиятиларини ҳисобга олиш керак, чунки ҳаққоният инсон ҳулқининг барча томонларининг безагидир». Ибн Сино инсон рухи ҳақида ҳам сўз юритиб, унинг табиатдаи ташқари, мустақил ишлаши мумкинлигини эътироф этади. Ибн Сино дунёни билишда хаёлга, унинг инсонга берадиган имкониятларига ҳам катта эътибор қиласди. Психологик категория бўлган хотирага Ибн Сино катта эътибор бериб, унинг физиологик асосларини тушунтириб беришда кўплаб қизиқарли мисолларни келтиради. Ибн Синонинг болаларни ёш даврларига қараб тарбиялаги тўгрисидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам тарбия соҳасида эътиборга лойиқ қарашлар қаторидан жой олган.

Абу Али ибн Сино шеъриятида руҳий ва фалсафий қарашлар

Абу Али ибн Сино ўз ижоди давомида фақат илмий изланиш ишларини олиб бормади, балки бадиий адабиёт соҳасида, шеърият соҳасида ҳам салмоқли ишларни амалга ошириди. Унинг шеърларида, ҳикояларида ва ўзи ҳақида ҳам ҳалқ оғзаки ижодида кўпилаб асарлар битилган. Ибн Сино бу бадиий адабиёт соҳасидаги ишларидан фан ютуқларини баён этиб бериши, бу орқали инсонларга билим беришни ҳам мақсад қилиб олди. Буюк мутафаккир бўлган Ибн Сино шеърият ва адабиёт орқали инсонларга етказиб бериш керак бўлган билимлар тизими ва унинг тез таъсирини яхши билган. Биз қуида унинг руҳиятга ва фалсафага тегишли асарларидан намуналар келтирамиз.

*Руҳ бўлинур, аввал, табиийга гоят,
У хуш, тоза, мусаффо бўгдан иборат.*

*Калб аро хун, тоза нарса руҳ аталур,
У туфайли баданларда ҳаёт қолур.*

*Руҳ бўлинур тақсимчига мия узра,
Кўйилгандир руҳ у ерда парда ичра.*

*Бу тур мия қорни ичра етук бўлур,
Хис этиши ҳам, фикрлари ҳам шунда эрур,*

*Ҳар бир руҳнинг қуввати бор ўзига хос,
Уни ҳеч қайси бошқаси хос этолмас.²⁷*

Бу ерда Ибн Сино инсон руҳининг қандай тузилганини, унинг инсон танасини бошқарувчи, ҳаётини таъминловчи омил эканини, мияда жойлашганини, инсон ҳис-туйгуларининг, фикрининг у билан боғлиқлигини, инсон ҳис-туйгуларининг ҳар бирининг ўзига хос қувват билан таъминланганини айтади. Инсон руҳи унинг танасини бошқариши, инсон руҳияти билан боғлиқ ҳолда унинг таълки муҳит билан bogлаб турувчи ҳис, яъни сезгилари, уларда юз берувчи жараёнлар ўзига хослиги билан ажralиб туришини асослаб беради. Бу сатрлардан кўриниб турибдики, Ибн Сино инсон руҳи тананинг қаерига жойлашганини ва у билан боғлиқ инсон ҳаёт фаолияти юз

²⁷ Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достонлар. Тузувчи А. Ирисов. 1981 й. 64-б.

бераёттанини ўз фикрларида таҳлил килиб беради. Россиялик олима Н.Бехтерева ўз изланишларида инсон рухининг қаерга жойлашганини ва у ҳақиқатан ҳам борлигини таҳлил киыган эди. Унинг фикрлари худди Ибн Синонинг бир қаңча асрлар олдин айтган фикрлари тасдиқлайды. Диққат қилиб қаралса, Ибн Сино рух инсон миясининг ва мия пардасининг оралигида жойлашган демокчи бўлади. Рух инсон вужудидаги ҳамма жараёнларни бопқариб туради, леб айтади муаллиф.

Ибн Сино яна инсонни сочини рангига қараб мизожларни ажратиш мумкинлигини, уларни фарқлаш мумкинлигини кўрасатиб ўтади. Бу ерда инсонни темпераментларга ажратиш орқали даволаш, руҳиятини билиш кабиларни ҳам кўрсатмоқчи бўлади.

Соч ранглари ҳақида

*Оқсоқ одам союқ мизожликдур, қара,
Иссиқ мизож бўлса, сочи бўлгай қора.*

*Союқлиги камининг сочи малла-тарғил,
Иссиқлиги камнинг сочи бўлгай қизил.*

*Ўрта мизож ранглик киши бўлса агар,
Кизгиз, малла ранг бўлниши чин муқаррар.*

Кўз ранглари баёни

*Агар кўзда ранг бўлса тиниқ, яхмисол,
Тухум оқи каби жисми ўта яққол.*

*Кўзки, ери бўртгансимон чўнг мунаввар,
Софу тиниқ, жойи баланд ёгду сочар.*

*Кўз хуморила бўлса мовий омухта,
Бас, бўлур десанг уни шаҳло, албатта.*

*Кўрини руҳи гар кам бўйлур шахлосимон,
Гар кўп бўйлур, руҳи ёниб тургай ҳамон.²⁸*

Ибн Сино инсон темпераментини ўрганиб уни ёшига, танасида-ти суюқдикларнинг кам-кўплитига қараб, аёл ва эркаклигига қараб ўрганишга ҳаракат қиласади. Буларни ҳам у шеърларида баён этиб берган. Ибн Сино рубоийларида ҳам руҳиятга тегишли фикрларни айтиб ўтган.

²⁸ Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достонлар. Тузувчи А. Ирисов. 1981 й. 61–62-бетлар.

*Беш атъзо – күз, қулоқ, тил, бурун, бармоқ,
Бұлса киши усти мукаммал, құаноқ.*

*Яна ҳавас-хаёл, фикру вахму ақл,
Бұлар иши ичдан дүйрүк юбормоқ.²⁹*

Бу рубоидә Ибн Сино инсон ҳиссий органларини, ақл ва фаросатини рухий кечинма сифатида, инсонни ташқи борлық билан боғлаб турувчи восита деб түшунтиради. Бу богланишлар орқали инсон маъдум бир билимларга эга бўлади. Буни Ибн Сино шундай тасвирлайди: «Билим деб, нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни хато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши керак бўладиган нарсадир. Бордю, бу да лиллар очикойдин бўлса, исботлар чицакамига бўлса, у ҳолда бунга ҳикмат – донишмандалик дейиллади».³⁰

Абу Али ибн Сино шеърий достонларида инсон рухияти ва табиатига хос бўлган ҳисслатлар яхши ёритиб берилган. Дейлик эркак ва аёллар мизожи ҳақида шундай ёзади:

*Иссик, қуруқлик, эр мизож билгил ани,
Хўллик, совуқликка маскан хотин тани.*

*Кайда семиз, дуч келса-чи, юмиоқ бадан,
Хўллик, совуқликлар анга айлар ватан.*

*Нозик бўлиб, гавда агар бўлса ориқ,
Ундаи одам доим мизожидур қуруқ.*

*Гавда ичида гар ўлур кенг-кенг томир,
Иссик аломатлар анга замир.*

*Гар ўлсаким акси анинг битганчалик,
Унда одам мизожлари ўткир совуқ.*

*Гавда мизожи гар тузилса мутьадил,
Танлар ўзига ўртаса макон-манзил.³¹*

Абу Али ибн Сино бу шеърида инсонга хос бўлган мизожлар, яъни совуқ ва қуруқ ёки иссик мизожларни кўрсатади. Бун-

²⁹ Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достонлар. Тузувчи А. Ирисов. 1981 й. 53-б.

³⁰ Абу Али ибн Сино. Ҳикматлар. –Т.: 1980 й. 24-б.

³¹ Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достонлар. –Т.: 1981 й. 60–61-бетлар.

дай мизожлар инсонга, унинг руҳиятига таъсир этмай иложи йўқ. Бу инсоннинг темпераменти, характери, жисмонан тузилишига, керак бўлса, унинг ҳаёт фаолиятига таъсир этувчи жиҳатлар хисобланади.

Ибн Сино инсон психологияга оид чуқур билимларга эга бўлиб, улардан кенг фойдалана олган. Булар ҳақидаги ҳикояларда, риво-ятларда Ибн Синони руҳиятга оид амалий ишлари баён этиб берилган. Дейлик, «Мен ҳўқизман», «Йигит касали», «Оқибат», «Кеч қолибсиз», «Бир кўрища» каби асарларда унинг бу каби хислатлари ҳақида сўз кетади. Бу ҳикояларда Ибн Синонинг хотирасини қучли бўлганилиги, инсон озиқланиши ва руҳияти муносабатлари, инсон руҳиятига таъсир этиб, уни маълум бир ҳолатлардан чиқариб юбориш ёки сўзнинг инсон руҳиятига таъсири каби кўплаб психик жараёнлар ҳақида сўз кетади.

Бу юқорида билдирилган фикрлар ҳам Ибн Синонинг инсон психологиясини ўта чуқур билган ўткир лирик шоирлигидан далолат беради. Унинг лирикасида руҳий кечинмалар, инсонга хос руҳий жараёнлар, инсон психикасининг амалий белтилари, севгимуҳаббат, фалсафий мушоҳадалар ва бошқа кечинмалар ўз ифодасини топган. Ибн Синонинг «Саломон ва Абсол», «Тайр», «Хайй ибн Яқзон», «Юсуф» каби асарлари унинг буюк файласуф, руҳшунос эканлигидан хабар беради. Ибн Сино «Тайр» асарида кишиларни камтар бўлингича, тили билан дили бир бўлишига, усти ялагироқ ичи қалтироқ, икки юзламачи бўлмасликка даъват этади. Инсон характеристидати бу хислатларни кўрсатиш билан Ибн Сино ижобий характеристири кишиларни ва салбий характеристиларни фарқлаш орқали уларга мурожаат этади. Инсон психологик жараёнларининг муҳим бир томони бўлган характеристер, унинг шаклланиши инсоннинг ижтимоий муносабатларга таъсирини, жамият ижтимоий ҳаётида бу жараёнлар ўрнини ўз бадиий асарларида кўрсатиб беради. Ибн Синонинг бу асарларини ҳозирда ҳам аҳамияти катта. Чуники ҳаёғимизда учрайдитан айрим салбий характеристерга эга киппиларнинг дунёқарашини тарбиялаш масаласи ҳозир ҳам долзарб бўлиб турибди. Инсонга хос бўлган бундай психологик жараёнлар жамият ҳаётида ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ибн Сино ўз тўртликларида инсонларга хос бўлган салбий фикрларни кўрсатиб шундай ёзади:

Ўзин доно билган бу уч-тўртта нодон
Эшак табиатнин қилур намоён.

*Булар сұхбатида сен ҳам әшак бұл.
Бұлмаса «коғур»деб қилишар әйлон.*³²

Үзининг характерини күрсатиб, фәқат ўзини іүғри деб, бошқалар билан ҳисоблашмайдын одалар харктерини Ибн Сино кескин танқид остига олишта ҳаракат қиласы. Инсон рухиятидаги бу каби камчиліктер, иккіюзламачиликтер салбий характер сифатида таърифланады.

Абу Али ибн Сино қаңға тағырағында, ёзиб таърифласа кам. Айтиш мүмкінкі, Ибн Сино ўзининг күп кирралы ижоди билан фаннинг түрли соҳаларига чуқур кириб борди ва инсон рухиятини яхши антлаб борди. Фан ривожига у жуда күплаб янгиликтер құшды, уларни бойитди, ўз замонасидан жуда илгарилаб кетди. Абу Али ибн Синонинг психологияк фикрлари минг йиллар давомында ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда ва бұлдан кейин ҳам унинг аҳамияти камаймайды. Матъумки, Шарқда Аристотель «Муаллими ул-аввал» – «бириңчи устоз» деб тан олинган бўлса, Ибн Синони «Шайх ур-раис» – «олимлар бошлиғи», буюк Форобийни эса «Муаллими ас-соний», яъни «иккинчи устоз» деб тан олганлар.

Абу Райхон Беруний

Буюк аллома Абу Райхон Беруний 973 йилнинг 4 сентябрьда Хоразмнинг Кот (баъзи манбаларда Қиёт) шаҳрига яқын жойда туғилди. Беруний ёшлик чоғиданоқ илмга қызыққан. У күп тилларни билган. Булар каторига араб тилини, форс, сурөний, юнон-грек тилларини, қадимти хинд тили бўлган санскритни ҳам ўрганганди.

Абу Райхон Беруний 150 дан ортиқ асарлар яратган. Булар қаторига «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликтер», «Оқ кийинтаптар ва карматийлар тарихи», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Қуёш ҳаракатини аниқлап йўли», «Геодезия», «Ҳиндистан», «Минерология», «Юлдузпуносликда боплангич маълумотларни англатиши», «Қонуни Маъсудий», «Сайдана «каби асарларини күрсатиш мүмкін. Беруний ўзининг олдиндан кўра олиши истеъоди билан кўпгина таълимотларни, хуносаларни яратдики, булар кейинги авладлар томонидан тасдиқланди. Беруний фалсафанинг асосий масаласини ҳал қилишда идеалист эди. Абу Райхон Беруний худди олдинги мутафаккирлар каби молдий оламнинг асосига тўртта нарсани – сувни, оловни, ҳавони, ерни қўяди. Берунийнинг фалсафий

³² Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достонлар. –Т.: 1981 й. 49-бет.

фикрлари асосан Абу Али ибн Сино билан бўлган тортишувларда, хатларда очиб берилган.

Берунийнинг психологияга оид фикрлари асосан фалсафий масалаларни муҳокама қилиши давомида, фалсафа муаммоларига сингиб кетган ҳолда ҳал қилинади. Бу билиш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Абу Райхон Беруний ўзининг илмий асарларида билиш билан боғлиқ масалаларга қизиқиб уларни ўрганишта ҳаракат қилган эди. Беруний меросини ўрганиши шуни кўрсатадики, у ўзини илк асарларидан тортиб то сўнити асаригача инсоннинг билиш жараёнини ўрганишга, унинг юз беришини англашта интилган.

Берунийнинг фикрича, билиш жараёнининг асосини хиссий билимлар ташкил этади. Агарда сезги органлари бўлмагандага эди, инсон дунё ҳақида, унинг тузилиши ҳақида билимларига эга бўлмас эди. Масалан, инсонда кўз бўлмагандага у ранглар ҳақида тасаввурга эга бўлмас эди.

Инсоннинг сезги органлари, ҳайвондаги сезги органлари билан умумий кўриништага эгадир. Беруний ҳайвонлардаги ҳар бир сезги органини уни ўраб турган борликқа мослашиши билан боғлаб тушунтириб беради. Беруни ўз фикрларини хулоса қилиб шундай ёзади: «Ушбу сезгилар туфайли уларнинг (ҳайвонларнинг) ҳаётида тартиб бўлади ва бу тартиб ҳар доим мавжуддир».³³

Инсоннинг сезги органлари ҳам мана шу мақсадларга қаратилгандир, яъни унга ўзидан ташқарида бўлган ҳодисалар ҳақида сезги органлари ахборотлар бериб туради. Сезгининг ҳар хил кўринишлари ўзида ҳар хил сифатий фарқларга эга бўлиб, дунёнинг турали-туман кўринишларини сезишга, хис этишга имкон беради. Берунийнинг фикрича, ҳар бир сезги органи маълум бир кўзғатгичларга жавоб беради.

Беруний инсон сезгиларининг ҳар бирига тўхтаб ўтади ва уларни таърифлаб беради. «Кўришнинг кўзғатгичи ёруглик бўлиб хисобланади, у ҳаво орқали нарсаларнинг рангини, шунингдек, шакли ва ташки кўриниши ҳақида маълумотлар беради, инсон булар орқали кўраётган ҳодисалар, нарсалар ҳақида билимга эга бўлади.

Эшигишнинг кўзғатгичи товуш бўлиб ҳисобланади, ҳаво унга бу товушларни етказиб беради.

Ҳид билиш сезгисининг кўзғатгичи бўлиб ҳар хил ҳидлар хисобланади, ҳаво уни сезги органларига етказиб беради. Ҳид эса маълум бир нарсадан, предметдан ажralиб чиқади, худди сувдан буг

³³ Минералогия. 8-бет.

ажралиб чикиб, ҳавода тарқалиб кетгандай хид ҳам шу йүсінда тарқалади.

Таъм билиш сезгисининг құзғаттичи – ҳар хил озуқалардан келиб чиқувчи таъмлар ҳисобланади, уни тилга, таңглайға, яғни сезги органларига етказиб берувчи намлиқ, хұллик ҳисобланади.

Бешинчи сезги бу тана сезгиси ҳисобланиб, у бутун тананы қоплаб олғандир. У алохидә органга эга эмас.

Тананинг ташқи томони биринчи құзғаттичларни қабул қиласы, яғни тактил сезгиларни үзида қамраб олади. Бу ердан тактил сезги бу инсон танасига тегищли эканлиги күринаади».³⁴ Бу айтилған фикрлардан күриниб турибдикі, Беруний худал Форобий, Ибн Сино сингари инсондаги бешта сезги органини ажратиб құрсағади. Беруний ипсон психик жараёнларини түшүнтириштада билиш ва унинг қырраларини таҳлил қилиш орқали құрсағиб беради. Инсонга хос бўлган бу сезгилар унинг ақли ва тафаккурини атроф-мухитдаги жараёнлар билан боғлаб туради, инсонга хос тафаккурининг шакллаништага асос бўлади.

Инсон ҳайвонлардан фарқли ўлароқ ақл билан улардан ажралиб туради. Беруний Форобий, Ибн Сино каби инсонни худо ақл билан таъминлаган, деб билади. Инсондаги ақл унга сезги органлары томонидан бериләётган билимларни тубдан ўзғартириб беради, деб ҳисоблайди. У инсондаги айрим ҳиссий органлар аҳамияти жиҳатидан, инсон ақли билишига таъсири жиҳатидан ажралиб туради. Айниқса, ақл ва билиш жиҳатидан ажралиб туради дейди. Беруний маълум бир фикрлаш жараёнларида, унинг юкори дарражасига эришипцида бу сезги органиларининг аҳамияти юксак деб баҳолайди. Унинг фикрича, булар асосан эшитиш ва кўриш органларидир. Булар ҳиссий билишдан аклий билишга ўтишининг даражаларидир деб баҳолайди у.

Абу Райхон Беруний инсонни пайдо бўлиши, жамиятни вужудга келиши, жамият ва инсон эҳтиёжларининг пайдо бўлиш сабаблари каби масалаларни ҳам таҳлил обьекти қилиб олади. Жамиятни ўргаништада, инсонларни жамоа бўлиб яшашини сабабларини қўрсатиштада үзига хос ёндашди. У эҳтиёжлар асосида, уларни қоңдирисига интилиштада инсонлар бирлашиб меҳнат қиласидар ва шунга улар мажбурдирлар деб түшүнтируди. Эҳтиёжларининг бир қалға кўринишларини ҳам санаб ўтади. Хусусан Беруний одамларда бир-бирини химоя қилиш эҳтиёжи, муомала эҳтиёжи, моддий ва мальавий эҳтиёжлар мавжуддир. Бу, албатта, инсон руҳиятини

³⁴ Минералогия. 8-9-бетлар.

белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Инсон ўз эхтиёжларини қоңдиришда ўзига хос бўлган руҳий ҳолатларни бошидан кечирали. Буни Беруний алоҳида кўрсатиб ўтмаган бўлса-да, лекин бу ҳол инсон ва жамият ҳаётида муҳим эканлигини англаб етган.

Беруний жамиятни ўрганишда, упинг шаклланишида ёки буни социологияда тушунтириб беришдаги жуғрофий йўналишининг таъмал тошини қўйган олимлардан эли. Беруний одамлардаги тана рангининг ҳар хиллигига сабаб – иқлимнинг ҳар хиллиги эканлигини кўрсатиб беради.

Умуман, жуғрофий омиллар инсоннинг тилини, урф-одатини, озиқланишини, кўринишнинг шаклланишига таъсир этувчи омил эканлигини Беруний кўрсатиб беради.

Беруний «Ёдгорликлар» асарида юнонлар, римликлар, эронийлар, суғдлар, хоразмликлар, христианлар, яхудийлар, исломгача бўлган арабларнинг йил ҳисоблари, турли байрамлари ва машҳур кунлари, умуман, кўпгина халқларнинг маънавий ҳаётини мұфассал тасвирилаб берган.

Абу Райхон Беруний ўз асарларида руҳиятга тегишли асарлар битмаган бўлса-да, лекин упинг асарларида жамиятта, инсон муаммосига тегишли фикрларида руҳиятнинг айрим масалалари ҳам кўриб ўтилган. Масалан, инсон тафаккури, сезгиси, билиши, ижоди, эхтиёжи каби масалалар ёритиб берилгандир. Беруний билан боғлиқ жуда кўп ҳикоялар ва маслаҳатлар халқ оғзаки ижодида мавжуддир. Беруний буюк олим сифатида ўзидан ўчмас асарлар ва инсоният учун керакли билимлар қолдирган.

Ўрта Осиёда, айниқса, икки дарё ўрталигида кечган ҳаёт фаолияти инсонларнинг мураккаб ва ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтганигини кўрсатади. Бу ўлкаларни жуда кўп босқипчилар босиб олган, улар ҳар гал бу ерларни күлтепаларга айлантириб ташлагандар. Яъни маданиятини, урф-одатини, тилини ва бошқа томонларни ўзгаришига сабабчи бўлганлар. Лекин ҳар гал ҳам шу күлтепалар остидан ота-боболаримиз янги бир маданиятимизни туркираб ўсиши учун имкониятлар қидирганилар. Бу ўлкаларни араб истилочиларида кейин мўғул-татар истилочилари босиб олганилар. Улар ҳам ўзларига тегишли маданиятини олиб киришга интилгандар. Демак, бу ўлкаларда яшаб ҳаёт кечирган инсонларнинг руҳиятида айнан ўша даврга тегишли бўлган руҳият шаклланди. Шу билан бирга ислом динидаги маълум бир тушунчалар асосида инсон руҳияти ҳам ташланади. Бу эса инсонларнинг руҳиятида, ижтимоий ҳаётидаги муюсабатларида яққол кўзга ташланади.

Беруний умрининг охиригача илм-фан билан шуғулланган. Бунга машхур сайёх Ёқут ал-Ҳамавийпинг «Мұжам ал-удабо» – «Адиблар қомуси» китобида ёзилган ҳикояни келтириш мүмкін. «Бир куни Абу Райхоннинг олдига кирдим, – дейди ал-Валвонижий, – қарасам, у жон берәёттан, гарғара билан нафас олиб, күкраги сиқилаётган эди. Ўша ҳолда туриб, менга қараб:

– Сен бир куни менга «ал-жаддат ал-фосида» хисоби ҳақида нима деган әдинг? – деди.

Мен унинг қийналаётган ҳолига раҳмим келиб:

– Шундай ҳолда-я? – деб сұрадым.

– Эй сен, – деди Абу Райхон – мен бу дүнә билан хайрлашаётібман, ўша масалани билмай кеттанимдан күра билиб кеттаним яхшироқ әмасми? – деди.

Мен ўша масалални унга түшүнтириб бердим, у бўлса уни ёдлаб олди ва ўзи ҳам ватъда берган нарсасини менга ўргатди. «Бу ҳикоядан маълум бўладики, Беруний умрининг охиригача билимга иштилиб яшади. Унинг ўз шахсига оид томонлари ҳам иродали, илмга чаққоқ хотираси ва тафаккури кенг, ҳамма нарсага диққат билан мутосабат қиласидиган инсон эканлигини кўрсатиб турибди.

Беруний ўз замонасида инсоннинг ўтиб кетган мутафаккирдир:

Пешволардан олга ўтдим шаҳд ила,
Мен гаввосу илм бўлди уммоним,
Ҳинддан сўра машриқ аро қадримни,
Магриб мени ўқир, пўкдир армоним.

Бу шеърдан кўриниб турибдикি, Беруний ўз илмий меросининг қадри инсоният учун жуда керак бўлишини, фикрлаш дарајасида эса илғорлигини билган. Беруний асарлари ва амалий фАО-лияти кўп фанларни ривожланиши учун хизмат қиласиди. У инсон ва халқлар ҳаётини ўрганиш орқали, уларнинг урф-одатлари, анъана-ларини, оиласиий жараёнларини, халқларда бу оиласиий-руҳий жараёнларни кечиши ҳар хил бўлишини ўз асарларида кўрсатиб бериш орқали уларнинг психологик жараёнларини ҳам ўрганганилигини кўриш мүмкін. Халқлардаги урф-одатлар ва удумлар шу халқнинг янаш шароити билан бирга улардаги руҳий-психологик кечинмаларни ҳам ифодалайди. Булар эса Беруний асарларида муҳокама обьекти бўлган. Берунийнинг ахлоқка оид фикрлари мазмунни жиҳатидан аҳамиятлидир. Инсонни ахлоқий-психологик киёфаси ташқи мухит, асосида шаклланади. У инсоннинг хулиқ-атворини ўзгариши унинг ўз кўлида эканлиги, яъни характеристи, мотивацияси,

тарбия билан боғлиқ рухий ҳолатлари ўз максадлари ва манфаатлари асосида ўзгаришини кўрсатиб ўтади. Беруний ўз асарларида, инсоннинг хулақ-автори, хис-туйгулари устидан ҳукмрон бўлмоги, рухини тарбиялаб борипти зарурлигини кўрсатувчи фикрларни айтаб ўтган.

Маҳмуд Қошигари

Маҳмуд ибн ал-Хусайн ибн Мұхаммад ал-Қошигарий XI асрда яшаган. Унинг биззача етиб келган асари «Девону луготит турк» деб аталади. Бу шеърий достонда жанглар тасвири, қаррамонлар тасвири, севги туйгулари, табиат манзаралари турли-туман ҳолатларга оид ўтиг-насиҳатлар, замон ва кишиларга муносабатларни билдирувчи шеърлар бор. Инсон рухиятига хос кечинмалар, психологияк жараёнлар ҳақида мутафаккир ўз фикрини билдиради. Гўзаллик соҳибасининг илҳомли хис-туйгулари тасвири, севги изтироблари ва ҳаяжонлари, ошиқнинг дардли кўз ёшлиари, унинг ўз маҳбубаси сари тинмай талинишиллари, айрилиқ азоби, висол севинчлари, баҳтиёр дақиқалар ўтгач, уларни қўмсанп, орзиқишилар, хуллас севгувчи юракнинг эҳтиром тўла дунёси мухаббат мавзуидаги шеърларининг туб мундарижасини ташкил этиб, унда инсон рухиятидаги, хис-ҳаёжон, характер хислатлари жуда жонли акс эттирилгандир.

*Сехрлидир кўзи,
Мусофиридир ўзи,
Тўлин ойдек юзи,
Ёрди менинг дилимни.³⁵*

Бу каби шеърларда инсон рухиятига, унинг нозик томонларига тегимсли манзара акс эттирилгандир. Инсон рухий ҳолатларини, унга хос эмоционал кечинмаларни шоир кенг асослаб бериш орқали ўз замонидаги инсонларга хос рухиятни ҳам акс эттириб бера олган.

«Девон»даги шеърий парчаларда илм-фаннинг қадри, олим-ларга хурмат, инсон характеридаги хушхулқилик, меҳмондўстлик, мардлик ва шунингдек, салбий характерни кўрсатувчи молпарастлик, манфаатпарастлик, баҳиллик, хиёнат ва шу кабиларни ҳам қораловчи шеърлари мавжудdir. Инсонга хос бўлган психологик жараёнлар, инсон характерига тегишли томонлар кенг муҳокама килинган.

³⁵ Қаранг: Қадимий ҳикматлар Т. 1987 й. 80–81-бетлар.

*Күлса киши юзингга,
Күркли бўлиб кўрингин.
Ширин, очиқ сўз сўйла,
Ёқмоқ учун урингин.*

«Девону луготиг турк» шеърий парчаларида туркий халқларга хос бўлган психологик, маънавий қадрияtlар кенг таҳлил қилинган.

Маҳмуд Қошғарий араб, форс ва адабиётнинг пухта билимдодни, туркий халқлар, элатлар урф-одатлари, тилини кенг ўрганганлиги билан машхур бўлиб, бу тадқиқотлар орқали халқларнинг руҳиятини, яшаш шароитини ҳам кузатган инсондир. Халқлар тилини ўрганиш орқали, тилда акс этган руҳий ҳолатлар ҳам ўрганилтандир. Чунки халқнинг тили бу унинг маданияти, урф-одатлари, тарихи, яшаш шароитлари, тилда юзага чиқадиган руҳий ҳолатлардир. Тил орқали халқнинг руҳияти, кечинмалари, хиссиёти, тафаккур даражаси кўзга ташланиб туради. Мутафаккир бу халқлар яшаётган жойларни кезинш орқали уларнинг тилини, сўз бойлигини ўрганган ва урф-одатлари, анъана-лари, қадрияtlарини ўрганиш орқали руҳиятига ҳам мурожаат қилган.

Аҳмад Юғнакий

Аҳмад Юғнакий XII–XIII асрларда яшаб ижод этган. Унинг то-ир, «Ҳибат ул-ҳақойик» – «Ҳақиқатлар аргумони» номли дидактикасари сақланиб қолган. Бу асарида шоир ўзи ҳақида ёзив кўзи тутма кўр бўлганини баён этади. Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» – «Муҳаббат шабадалари» асарида у ҳақида маълумот берар экани, уни «Адиб Аҳмад» деб тилга олади. Юғнакий бу асарида ўша даврнинг ижтимоий масалалари ҳақида фикр юритиб, таълимтарбияга оид масалаларни ёритади. Бу асарида таълим-тарбияга, фалсафий масалаларни тутшуптиришга интилган. Асарида инсон характеристига хос бўлган, инсонни маънавий дунёсини бойитувчи томонларни тарғиб этган.

Аҳмад Юғнакий инсон характеристидаги муҳим хислатлардан бири бу тилини тийиш, яъни бўлар-бўлмас гапларни айтгаслик, ўзини ушилаб турса олишилик, босиқлик, бу характер хислатини тарбиялаш кераклигини айтиб ўтади. Инсон руҳиятининг муҳим бўлаги бўлган характеристики тарбиялашида тилини тийиш муҳим ҳодиса эканлигини кўрсатиб ўтади. Дарҳақиқат инсон руҳиятининг муҳим бў-

ләгі бўлган характерни тарбияланида тилни тийиш мухим ҳолат хисобланади. Бу ерда инсондан сабр-тоқағ, чидам, иродали бўлиш каби психологияк хислатлар талаб қилинади. Аҳмад Юғнакий ўз замонаси ҳақида, у ердаги ахлоқий талаблар, таълим-тарбия ҳақида фикрларини билдириш орқали инсондаги психологик жараёнларнинг ўрнини ва зарурлигини кўрсатмоқчи бўлади. Инсон ҳаёти давомида шаклланиб бориши билан унда ўз рухиятига, тирикчилиги билан боғланган психологик жараёнларнинг ҳам шаклланиб боришига эътибор беради. Бунда Юғнакий инсонга хос билимлар, тил ва сўз, ахлоқ, таълим-тарбия масалаларини, инсоннинг бу жараёниларга эътибори ўзининг инсон сифатида шаклланиб боришига асос бўлишини тушунтиради. Бунда инсонни ижтимоийлашуви жараёнига эътибор берилганлиги кўзга яққол тапланади.

*Эшитил билликлик негу теб аюр,
Адаблар боши тил кудазмак турур.*

Яъни, Илмли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол, одоблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур.

*Сонин сўзлаган эр сўзи сўз соги,
Ўқуш янгшогон тил айолмас ёги.*

Яъни, ўйлаб сўзлаган кипининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вай-саган тил шафқатсиз ёвdir дейди.

Аҳмад Юғнакий фалсафий масалаларни ҳам таълим-тарбияга асосланиб ёритади. Бу масалаларни кенг таҳлил қилишга инсонни ундан турари. Дунёнинг ўзгарувчанлиги, янгининг эскиришини ва эскининг ўрнига янсининг келишини кўрсатади. «Иигит қарийди, янги эскириади. (Бели) қувватли бўлса, букилади, кучи кетади». «Бу дунё – бир кўниб, яна кетиладиган работдир. Бу работта тушиб ўтувчиilar кўниб кетаверадилар», деб ёзади Юғнакий.

Аҳмад Юғнакий инсонни билимли бўлишининг аҳамияти катта эканлигини, билимли инсон кўн ютуқларга эга бўлишини ўз асарида кўрсатиб ўтади.

*Биликлик биликни адраган бўлур,
Билик татгин эй дўст биликлик билур.*

Яъни, Билимли киши илми фарқлайди, эй дўст, илм қафрини билимли одам билади, деб ёзади.

Аҳмад Юғнакий одоб-ахлоқ билан боғлиқ ҳолда инсон психологиясига тетишили бўлган таълим-тарбия психологияси муаммоларини ўрганади ва унинг усулларини кўрсатиб беради. Унинг насиҳатлари, ибратли сўzlари хозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотганийўк.

Амир Темур бин Тарагай Баҳодир

Амир Темур бин Тарагай Баҳодир (1335–1405) Ўрта Осиё халқлари тарихида ўчмас из қолдирган буюк саркарда, давлат арбобидир. Унинг ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи давр – тарқоқ мўгул истилочиларига қарши кураш даври. Иккинчи давр – марказлашган давлат куриш ва фан, маданият соҳасида амалга оширилган ишлар даври ҳисобланади.

Амир Темур саройида хизмат қилувчи олимлар орасида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абулла Лисон, Ҳўжа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коши ва бошқалар бор эди. Амир Темур илм-фаннинг математика – риёзигёт, геометрия – ҳандаса, архитекторлик – меъморлик, астрономия, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳаларни ривожлантиришга, айникса, каттағи тиб берди.

Астрология, юлдузшунослик Амир Темур учун муҳим фанлардан ҳисобланган. Вақтни белгилаш, йўл йўналишини аниқлаш учун ҳарбий ва савдо амалий ишлари учун зарур бўлган. Амир Темур жуда талабчан, бошқарув ишларига уста ҳукмдор бўлган. У инсон руҳиятини яхши билган, инсонни бошқаришнинг қатъий йўлини танлаб олган эди. Темур қаерга бормасин, у ернинг улуғ инсонларини ҳурмат қилганини, уларга маош тайинлаганини, иззат-ҳурмат қилганини айтиб ўтади.

Темур инсонларни кўрқинч ва умид орасида саклаганини ёzáди. Бу ерда Темур инсонларни руҳий жиҳатидан бошқариши яхши билгани кўзга ташланади. Темур ижодини, ҳаёт фаолиятини ўрганар эканмиз, унинг ҳарбий исихологияни, инсон руҳиятини, бошқаришга оид психологияни яхши билганини кўришимиз мумкин. Амир Темур давлатни бошқарап экан, инсонларнинг руҳий-психологик ҳолатларини, жамиятда уларнинг туттан ўринларини, имкониятларини, ҳаёти тажрибаларини, жамият ва инсон масалаларини яхши тушунганини, билишини кўрамиз. Давлатни бошқарипда, жамиятдаги шахснинг ўрниги, улардан фойдалана олиш, давлат равнақи учун керак бўлган ижтимоий-психологик ҳолатларини вужудга келтириш, инсонларга хос бўлган психологик жараёнлардан кенг фойдалана олиш каби санъатни яхши эгаллаганини кўриш мумкин. Амир Темур фаолиятида бошқариш психологияси, сиёсий психология, ҳарбий психология, инсон психологияси, мулоқот ва инсон руҳиятини бошқариш каби томонлар яхши такомиллашганини кўриш ва таҳлил объекти сифатида олиш зарур.

Амир Темур давлатини ривожланишининг икки ўта муҳим омилини юзага келганилиги ҳақида таниқли файласуф олим Н.Фойибов ўзининг «Амир Темур даври маънавияти» асарида ёритиб ўтади. «Уларнинг биринчиси Амир Темур даври мағкурасининг асосиши Баҳоуддин Нақшбанд тарикати ғоялари ташкил этган бўлса, иккичиси маданият ва маънавият тараққиётига бевосита Ҳазрати Соҳиқироннинг ўзи раҳнамолик қилгандир»,³⁶ деб кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам Баҳоуддин Нақшбанд олдинга сурған ғояда инсон руҳиятига тегишли томонлар шаклланишини талаб қиласидиган ва жамият манфаатларига мос тушадиган талаблар мавжуд эди. Инсонга хос бўлган сезгирилик, иродалилик, ўз хаётига ижодий қарай олишлик, топқирилик, ўзига ва яқинларига талабчан бўлиш, жавобгарлик, меҳнаткашлик, интидувчаник ва шу каби инсон характеристики шакллантириш билан боғлиқ ижобий йўналишларни тарбиялаш каби руҳий хислатлар ётар эди. Албатта, бу гоя Амир Темурнинг амалий ишларида ўз ифодасини топди. Бизга тарихдан маълумки, Амир Темур кўп жойларни ободоништирипга, олим ва фузалоларни Самарқандга йиғиш орқали уларнинг илм билан шугулланишлари учун имкониятлар яратиб берган. Нақшбанд ғоясидати қараашлар амалга ошганлиги туфайли Европадан келган сайёҳ Самарқандни шаҳар сифатида таърифлаш билан ўзини жангатда бўлгандай хис қилганини айтиб ўтади. Амир Темур инсонлар руҳиятини яхши билганини учун ҳам уларга бўлган муносабатни тарбиялаща, маънавиятларини шакллантирища. Нақшбанд ғояларидан кенг фойдалантган. Нақшбандия тариқатининг «Дил ба ёру, даст ба кор» (дил Аллоҳдаю, кўл – меҳнатда бўлсин) деган асосий қоидаси ҳам юкоридаги ғояга мос келини, инсон руҳиятини ўзида ифодалапи билан кўзга ташланади. Инсон маънавиятини, унинг амалиётини инсонга хос бўлган психологиясиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Амир Темур амалий ишларини инсонларнинг руҳий кечинмаларини ва улар амал қиласидиган халқ урф-одатларини, анъаналарини ҳисобга олиб, уларнинг хиссий ва эмоционал ҳолатларини билган ҳолда амалга оширган. Ҳақиқатан ҳам инсон руҳияти қилинаётган ишлардан қониқиши ёки қониқмаслиги мумкин. Шунга қараб халқнинг кайфияти шаклланади. Амир Темур шуларни ҳам ҳисобга олгандир. У ўзининг «Тузуклар»ида шундай деб ёзади: «Яна амр

³⁶ Фойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. –Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриет. 2001 й. 7-бет.

этдимки, кимки бирон саҳрони обод қиласа ёки кориз қурса, ё бирон bog кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қиласа, биринчи йили ундан ҳеч нарса (солик) олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учигчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йигилсии».³⁷ Бу ерда, инсон меҳнати, ҳурмати ва руҳий кечинмалари ҳисобга олингани кўзга ташланади. Амир Темур инсон иқтисоди, тирикчилиги, ҳаёт кечириши имкониятлари, бойишининг асосларини яхши билгани учун уларга, улар қилаётган меҳнатга ҳурмат билан қараган.

Амир Темур ахлоқий, конуний ва ижтимоий масалаларда қабул қилган қарорларига ҳам инсон руҳиятини, урф-одатини ҳисобга олган ҳолда ёндашган. «Шариатта оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукум чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин». ³⁸ Кўриниб турибдики, Амир Темур ҳалқ урф-одатларидан бошқариш ишида кенг фойдалана олган. Ваҳроланки, ҳалқ урф-одатларида унинг кечинмалари, руҳияти, иқтисодиёти, яшаш имкониятлари, жамиятнинг эҳтиёжлари каби масалалар ётади. Темур авлодлари ичida Улуғбек, Бобур каби илим ва фан йўналишида учмас из қолдирган, инсоният маданиятини шаклланишига улкан ҳисса қўшган алломалар ҳам инсон ва жамиятта хос бўлган руҳий ҳолатларини яхши билганилар. Булар уларнинг ҳаёт фаолиятида, илим соҳасидаги фикрларида ўз акси ни топган. Темур авлодлари ўз ҳаётлари давомида инсонга хос бўлган руҳиятни, ўзлари яшайдиган жамиятнинг ижтимоий-психологик жараёнларини яхши билганилиги уларнинг қилган амалий ишларида яққол кўзга ташланади. Мирзо Улуғбек ўз илмий меросларида инсон тафаккурининг чексиз имкониятларини, илим соҳасидаги ютуқлари орқали кўрсата олди. Унинг «Зижи Кўрагоний» асари ўз даври ва келажак учун астрономия фанидаги энг буюк қашфиёт эди. Самарқандда курлирган обсерваторияси дутё қашфиётларининг муқаддаси бўлиб қолди.

Унинг тарихга тегишли асарида тарихий ҳодисалар билан бирга инсонларга хос бўлган руҳият масалалари ҳам кўриб чиқилди. Тарихий шахслар, уларнинг ҳаёти ва амалий ишлари таҳлил қилининши баробарида давр психологияси ва шахсларга хос руҳий кечинмалар ҳам кўрсатилади. Шуни кўриш мумкинки Амир Темур даврида бунёдкорлик кучи ҳамда Соҳибқироннинг бевосита амалий салъя-харакати туфайли мамлакатда фан, маданият, санъатнинг кўплаб

³⁷ Темур тузуклари. 99-бет.

³⁸ Ўша китоб. 74-бет.

соҳалари туркираб тараққий топди. Темүрийлар даврида қуйидаги түрт буюк мактаб юзага келди. Булар, юкорицә кўрсатганимиздек, Мирзо Улуғбек раҳбарлигидаги илм-фан тарақкиёти, Алишер Навоий бошчилитидаги бадиий адабиёт равнаки, Абдулқодир Мароғий раҳбарлигидаги мусиқа илми ва Камолиддин Беҳзод номи билан боғлиқ рассомлик санъати мактаби кабилалардир. Бу мактаб намояндалари ўз йўналишиларида жамиятга ва инсонга хос бўлган руҳий-психологик жараёнларни ҳам тушунтириб берипшга интилигандир. Улугбек ўз бобоси каби, илмга ва матрифатга катта эътибор берди. Илм бу инсонларни ёруғликка олиб чиқувчи асосий қуч эканилигини билган ҳолда, «Илм олиш ҳар бир мусулмон йигит ва қиз учун фарздор», деган ўтигин олдинга сурди. Бу фикрнинг ўзида ҳам инсон ва унинг руҳияти, тафаккури ривожланиси кераклигини, инсон психик жараёни, унинг сезгилари билим олипга қаратилишини кераклиги олдинга суриласди. Алишер Навоий бадиий ижодиётида ҳам инсон руҳиятини, жамиятдаги ижтимоий-психологик жараёнларни таҳлили, баркамол инсон ва стук жамият, ути бошқарии билан боғлиқ гоялар мавжуд, Камолиддин Беҳзод ва унинг мактаби вакиллари эса инсонга хос руҳий кечинмаларни ўзида акс эттирган, жаҳон маданиятига, санъатига улкан ҳисса бўлиб қўшилган таъсвирий санъатни яратдилар. Бу расмларда ўша давр инсонларининг ҳаёт образи, руҳий-психологик ҳолатлар, ҳиссий кечинмалар, табиат гўзаллиги, инсон гўзаллиги ўз аксини топган. Бу давр ҳақида таниқли тадқиқотчи олима Хильда Хукхэм шундай дейди: «Ўн бешинчى асрни темурийлар Ренессанси даври деб атап мумкин».³⁹

Амир Темур авлодлари бўлган Бобур ва унинг авлодлари ҳам ўз ҳаётлари давомида инсонни лол қолдирадиган амалий ишларни бажарганилар. Бобурнинг Ватанни севиши, Ватан туйнуси унинг битган шеърларида ўз аксини топган. Амир Темур авлодлари бўлган бобурийлар яратган биноларнинг гўзаллиги ҳақида файласуф олим Н.Гойибов шундай ёзади: «Ўшанда «Латъ қалъа»даги улкан боғ ва бир-биридан гўзал обидаларни томоша қилиб юриб, айланга гумбазли, ранго-ранг нақшинкор «осмони»кенг бир залія кириб келдик. Залнинг баланд гумбазли доираси гардишида араб алифбосида форсча қуийидаги байт битилган эди:

Агар фирдавс дар ин замин аст,

Ҳамин асту, ҳамин асту, ҳамин аст.

Яъни: агар ер юзида жанинат бор бўлса, у ана шу, ана шу, ана шу ердадир.

³⁹ Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. Т.: 1995 г. стр. 12–14.

Ҳақ тап. Чиндан ҳам «Лаъл қалъа»нинг мўъжизакор тўзалигини кўриб, бот – қалъа этагида шовуллаб оқаётган зилол дарё сувига тикилиб, «бу дунёнинг жаннати шу бўлса керак», деган ўй хаёлингдан ўтади»,⁴⁰ деб ёзди. Бобурийлар ўз бунёдкорлик ишларида нозик дид, гўзаликка хос жозибани кўрсата олганлар. Уларнинг амалий ишларида ўша давр инсонининг хаёлининг кенглиги, ижодий тафаккур ютуқлари, ўз даврига тенг бўлган психолого-психономикал кечинмаларни акс эттанини кўриш мумкин.

Мир Алишер Навоий ижодида руҳий-психолого-психономикал фикрлар

Дунё маданиятига ва туркийзабон ҳалқлар маданиятига улкан хисса қўшган буюк зотлардан бири бу Мир Алишер Навоидир. Алишер Навоий 1441 йилининг 9 февралида Ҳирот шаҳрида дунёга келди. Унинг фалсафага ва психологияга оид кўплаб фикрлари, олдинга сурған гоялари мавжуд. Инсоният то шу кунгача Алишер Навоий яратган меросдан кенг фойдаланиб келишининг ўзи бу асарларда инсонга, жамиятта хос психолого-психономикал кечинмаларни, утдан ўрнак олишига, билим олишига зарур бўлган гоялар борлигини кўрсатади. Унинг асарларида эмоционал, ақлий ва ҳиссий билиш билан боғлиқ фикрлар, инсон тафаккурини ўрганиш ва масъулият билан ҳаётга, ўз ҳаёти ва бошқалар ҳаётига муносабатда бўлиш каби диккатга хос жараёнлар акс этган. Алишер Навоийнинг психологияга тегишли маҳсус асарлари бўлмаса-да, унинг асарларида инсон руҳияти, характеристи, эмоционал кечинмаларига хос фикрлар жуда кўплаб топилади.

Алишер Навоий ўз фаолияти давомида кўплаб асарлар битди. Булар қаторига «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-нихоя» девонлари, беш достондан иборат «Хамса», сўфийлар ҳақидаги «Насойим ул-мухаббат» тазкираси, «Хазойин ул-маоний» девони, «Махбуб ул-қулуబ», «Тарихи айбиё ва ҳукамо», «Сирож ул-муслимин», «Муҳокамат ул-лугатайи», «Лисон ут-тайр» фалсафий достони ва иштимолек, Фоний таҳаллуси билан форс-тожик тилида «Девони Фопий» каби асарлари киради. Алишер Навоий баракали ижод қилди. Асарларида адабиёт ва адабиётшунослик, ахлоқшунослик, педагогика-психология, сиёса-шунослик, фалсафа, тарих, тилшунослик каби билимнинг турли соҳаларига оид гоялар эълон қилди. Инсон ҳаётини унинг фаолиятини психолого-психономикал жараёнларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Навоий ижодида юқорида са-

⁴⁰ Гойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. F. Нулом нашриёти. 2001 й. 33 б.

наб ўтилган билимлар билан бир каторда инсонга хос психологик жараёнлар содир бўлишининг асосларини кўрамиз. Навоий ижодидаги ахлоқий масалаларда, сиёсатчунослик ва фалсафий фикрларда айнан инсон руҳиятига хос бўлган психологик жараёнаар уларнинг маълум бир тушунчалар орқали ифодаланишини кўриш мумкин. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида инсонга хос бўлган билиш жараёнини бадиий ибораларда қўйидағича тасвирлайди: «Инсоннинг мияси ва тани – қўргондир; моддий борлиқ эса, шу қўргон (подшоҳ)ни ташқи муҳит (мамлакат) билан боғловчи йўллардир; ва ниҳоят хотира – ҳазинабон, барча инжуларни (маълумотларни) йигувчи шахсадир». Алишер Навоий шу тариқа инсон ўз хиссиёти ва тафаккури орқали борлиқни тадқик этади, ундан ўзининг пок мақсадларида фойдаланади, деб кўрсатмоқчи бўлади. Бу ерда ѡнуни кўриш мумкинки, инсон психологиясига тегишли бўлган ҳиссий ҳолатларни вужудга келтирадиган сезги ва унинг элементлари инсон тафаккурини вужудга келишига асос бўлади ва инсон тафаккури ҳам айнан сезгиларга асоссан ташқи борлиқдан ахборот олади. Тафаккурнинг ўзи ҳам психологик жараён сифатида маълум мақсадларга йўналтирилган бўлади, дейди шоир. Алишер Навоий фикрича, инсон қадр-қиммати унинг мол-мулки билан эмас, балки маънавий-рухий қиёфаси, ахлоқий-психологик сифатлари билан ўлчанади, яъни, «Элта шараф бўлмади жоҳу насаб, лек шараф келди ҳаёву адаб». Инсон ахлоқи ва одоби бу буюк хислат эканлиги, унда инсонга хос бўлган ўзини тутиш, инсоний характерни шаклангириш, одамларга фойдаси тегиши, жамият ва ҳалқи учун керакли инсон бўлиб етишиш каби масалаларни Алишер Навоий ўз асарларида муҳим масала сифатида олдинга суради.

Одамий эрсанг, демагил одами,

Оники, ўйқ ҳалқ гамидин гами.

Шунингдек, инсонга хос иродали, сабр-тоқатли бўлиши каби инсон руҳиятининг қирралари ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этади.

Сабр била кўп боғлиқ ши очилур,

Ишда ошиққан кўп тойилур.

Инсонни сабрли бўлиши, ўз ишини пухта ва асосли яратилишини инсоннинг характерли томонларидан эканлигини, сабрсизлик оқибати йўлдан тойишга олиб келишини шоир кўрсагишта интилади.

Алишер Навоий инсон танаси ва унинг руҳи ҳақида ўз фикрларини билдириб бориб, инсон танаси бу унинг мияси билан боғлиқлитини «Махбуб ул-кулуб» асарида кўрсатиб ўтади. Уму-

ман Алишер Навоий асарларида инсон, унинг руҳий-психологик, ахлоқий-психологик жараёнлари көнт таҳлил қилиниб инсонни баркамол бўлишига, жамиятни яхши инсонлар қўлида бўлиши ва ижтимоий муносабатларда тараққиётга йўналиши каби масалалар, педагогика ва психология масалалари ўрганилади.

Навоий ижодида ўз даври маънавиятигининг муҳим кўринишши – ахлоқ масаласи асосий ўрин тутади. Навоий инсон ахлоқининг узвий таркибий қисми бўлган, унинг эмоционал – ҳиссий кечинмаларини ташкил этувчи ишқ-муҳаббатни, севгини юксак ижтимоий ахлоқий тушунча даражасига кўтариш билан инсондаги бу руҳий жараённи ўрганди ва ифодалаб берди. Бу ерда Навоийнинг фикрича, ишқ-муҳаббат, севги инсонлар фаолиятини бошқарувчи, тартибга солувчи омил бўлиб, инсон қалбини турли иллагалардан тозаловчи, инсонда юқасак маънавий ҳис-туйнуни уйғотувчи қудратли руҳий-ахлоқий куч эканлиги айтилади.

Алишер Навоий тил, сўз инсонни безайдиган жараён эканлигини, инсон сўз орқали мулоқотга киришар экан, суҳбатдоншига хурсандчилик ёки кўнгалига озор етказиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Навоийнинг хуҷимуомалалик, ширинсуханлик, мулојим бўлиш ҳақидаги фикрлари айнаи инсон руҳиятигининг ижобий томонларини ташкил этиб инсонда гўзаллик ҳиссини тарбиялайди. Навоий сўзнинг инсон ҳаётидаги муҳим аҳамиятли восита эканлигини яхши тушунади. Инсон сўзлаётган ҳар бир фикрини чукур мантиқан ўйлаган ҳолда ўз ўрнида ишлатиши кераклигини тарғиб этади.

*Маъданни инсон гавҳари сўздир,
Гулшани одам самари сўздир,
Ҳам сўз ила элга ўлимдан најот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.*

Навоий инсон характеристига тегишли бўлган ҳар қандай ҳолатда ҳам рост сўзлаш, ўзини ва фикрини назорат қилиш, иродали бўлиш ёмон сўзлардан сақданиш, қўпол бўлмаслик кабиларни тарғиб этиб, инсонларга ахлоқий баркамоллик тилайди.

Тил бу миллатнинг руҳиятини ўзида мужассамлаштирган, маънавиятини кўрсата оладиган ҳодиса. Алишер Навоий ўз асарларида тилнинг, сўзнинг қадрини кўрсата олган. Юртбошимиз И.А.Каримов тил ҳақида унинг инсонга таъсири ҳақида шундай дейдилар «Маълумки, ўзликни атглаш, миллий онг ва тафаккуринг ифодаси, авлодлар ўргасидаги руҳий-маънавий бөглиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи,

она тилининг бетакор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг рухидир».⁴¹ Алиниер Навоий айнан тилининг инсон рухиятига таъсири борлиги учун ҳам уни ҳар томонлама шарҳлайди. Тил миллатнинг, халқнинг ижтимоий-амалий ҳаёти давомида унинг тарихий шаклланиши ва ташкил топиши билан, миллатта хос бўлган рухиятини тилдаги сўзларда, унга мос бўлган муносабатларда ичкӣ тутёнлари асосида ташкил тонгган кўриниши ҳисобланади. Тилнинг ва ундаги сўзларнинг кенг, кўп маънолилиги миллатнинг амалий ҳаёт давомида орттирган тажрибалари асосида халқ рухиятини ўзида акс этдириб туради. Инсоннинг руҳий ҳолатлари, ўзлигини аглаш айнан тилда ўз ифодасини топади.

Абдулла Авлонийнинг ижтимоий-фалсафий ва психологияк қараашлари

Ўзбек миллатининг маърифатпарвар вакили олим, шоир, драматург ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний ўзининг фаол ҳаёти давомида кўплаб илмий ва адабиётта оид асарларни ёзib қолдириди. Буларнинг кўнчилиги педагогикага, тарбияга тегишилдири. 1909–1917-йиллар давомида маҳсус мактаб болалари учун ёзилган ва педагогикага, тарбияга тегишили ўқдан ортиқ китоби майдонга келди. Булар қаторига «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» каби дарсликлар, «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» каби асарларини кўрсатиш мумкин. Абдулла Авлонийнинг маҳсус фалсафага, психологияга тегишили асарлари бўлмаса-да, лекин уларда жамиятга, инсонга, тафаккурга, инсон онгига, ахлоққа, тарбияга тегишили фикрлари мавжуддирир. Абдулла Авлоний ўз ҳаёт фаолияти давомида инсонларнинг маърифатли бўлишларини, миллат манфаатлари йўлида биргаликда ҳаракат қилишлари кераклигини уларга сингдиришга уринди.

Абдулла Авлоний 1894 йилдан бошлаб шеър ёзган бўлса-да, у шеърлар бизгача етиб келмаган. Авлонийнинг 1917-йилтаргача бўлган шеърий мероси, «Адабиёт» номли б қисмдан иборат тұт朴实ларида жамланган. Бу шеърлар асосан 1905 йилдан кейинги ижодига тегишили бўлиб, миллий-ижтимоий характерга эгадир. Авлоний миллат ва Ватан манфаатлари йўлида инсонларни илмга, маърифатга, ўзини аглашга чақиради. Миллатнинг равнаки учунгина эмас, балки унинг келажаги учун ҳам илм кераклигини, илм орқали

⁴¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2008 й. 33-бет.

миллат ўз келажагини кўра олишини у англаб етганилиги учун ҳам миллат вакилларини илмга, маърифатга чақириди.

*Аё эй соҳиби урфон! Ватан бодида фарёд эт,
Отиб ташла ародин эски одатларни барбод эт.
Маориф-ла фунун таҳсилана қил раҳномолиг сан,
Қоронгуда қолан миллатни нури илма иришод эт,
Ватан меҳри агар бўлса – дилнгда ишқ савдоси,
Отил нури маорифга ўзингни мисли Фарҳод эт!*

Абдулла Авлоний озодликни, эркни ҳар нарсадан баланд қўяди. Мустамлакачилик асоратлари, тутқинлик, турғунлик Авлонийни чуқур ўйга солади. Дин-диёнатнинг, миллатнинг бузилишини айнан шу жараёндан эканлигини қайд қиласди. Шунинг учун ҳам адидни халкнинг ночорлиги, гариблиги ўйлантиради. Бу эса унинг қўйидаги мисраларида кўзга ташланади.

*Ҳар кун ўлурам шомгача ман гамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнурам оташа парвона каби зор,
Ҳеч кимса эмас бу мани аҳволима воқиғ,
Ман хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор?*

Авлоний ўзи яшаётган замонда инсонларнинг онтига илм орқали таъсир этиб, уларни ўзлигини англашга чақиради. Замонасининг қанчалик аянчлилигини, халқининг ночорлигини, тараққиётта йўл йўқлигини, миллатнинг маърифатли бўлишини ягона йўли бу инсон маърифатли бўлиши кераклигини у сезади. Миллатнинг ҳаёт тарзи уни ўйлантиради, миллий манфаатларнинг поймол қилинганлиги қўйидаги фикрларида кўзга ташланади: «Биз осиёликлар, хусусан, туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб сут ошимиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз».

Авлоний адолатни бўлишни, миллатни озод, эркин ва баҳтили бўлиш хукуқини дунёнинг асоси деб билади. Миллий манфаатларни англамаган миллат ўз ҳақ-хукукларини билмаслиги, унинг учун курашмаслигини, маънавияти қанчалик юксак бўлмасин, ўзини англамаган миллат ўз эрки учун курашмаслигини Авлоний тушуниб етади.

Абдулла Авлоний шеъриятининг, маърифатпарварлик фаолиятининг асосида миллатнинг миллий онгини уйғотиш, уни бошқа миллатлардан кам эмаслигини кўрсатиб бериш мақсади ётади. Шунинг учун ҳам ўз тақдирига бепарволик, яъни пессимистик руҳиятни борлигини кўрсатиб берар экан, шундай дейди: «Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтди. Энди ўзимизни онглаш даври келди» демоқчи бўлади. Бу эса

унинг қуидаги фикрида кўзга ташланади: «Америкаликлар бир дона бугдой экуб, йигирма қадоқ бугдой олурлар. Европоликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни келтуруб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар!» Бу жумлаларда миллат онгини уйкотиш фикри ётади. Бу билан Туркистонни тараққиёт сари боришга чақиради.

Абдулла Авлоний «Истиқболдан орзулар» шеърида Туркистоннинг келажаги, порлок ва буюк тараққиёті ҳақида шундай ёзади:

Келур үлфат, адовар үртадин қалқур, кетар бир кун,
Қаро кунлар кетуб, ўрнига равшанлық еттар бир кун,
Адолат богида гулоҳий тарбият битар бир кун,
Очиб гунча даҳонин, шодлиг изҳор этар бир кун,
Ўлур олам гулистон, қайгу-кулфатлар йитар бир кун,
Гулоби ҳургият атри мусаффосин оттар бир кун,
Дилим, гам чекма кўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбуллари чаҳ-чаҳ қилур, гулзор ўлур олам...

Абулла Алоний ижодида инсон муаммоси, унинг келажаги ҳам муҳим ўрин эгаллади. Инсонни борлиқнинг буюк мавжудоти, унинг борлиги учунгина олам ҳам бор деган фикри олдинга суралди. Авлонийнинг фикрича, оламнинг яратилишидан мақсад ҳам инсондир. Абулла Алоний инсонни жамиятнинг бир бўлаги сифатида билади. Унинг дунёқараридан келиб чиқсан ҳолда жамиятдаги тараққиёт, ҳуқуқий масалалар ўз ечимини тона олишига унинг ақли ётади.

Жамиятнинг асосини ташкил этувчи инсонга у катта эътибор беради. Унинг тарбияси, ахлоқи, одоби, билими, малакаси, қобилияти, фаҳм-фаросати, қизиқиши, тафаккури ва унинг етуклиги, яъни бир сўз билан айтганда маънавияти жамият учун жуда катта бойлик эканилигини Авлоний ўз асарларида кўрсатиб ўтади. Инсон руҳияти, жамиятдаги ижтимоий-психологик аҳвол ҳақида ҳам Авлоний ўз асарларида ўтади. Авлоний инсонга тегисли фаолият асосида унинг психик жараёнлари ётишини ва ҳар бир инсоний хатти-ҳаракатда хис-хаяжон, эмоционал ҳолатлар мавжудлигини билган ҳолда ўз асарларини битган. Маълумки инсон ҳаётининг моҳияти – унда юз бераётган ижтимоий муносабатлар билан узвий боғлиқдир. Бундан кўринадики, шахснинг психик ҳусусиятлари ижтимоий муносабатлар асосида характерланади ва белгиланади. Шахсдаги барча психик ҳусусиятларнинг ижодий фаоллигининг ривожланиши манбалари унинг теварак атрофицаги ижтимоий муҳитда, жамиятдадир. Авлоний шунинг учун ҳам инсонларни илм, маърифат бериш орқали тарбиялап, уларнинг онгини шаклантариш, масала-

лари билан шүгүлләнди. Бу масалаларда у, албатта, психик жараёнларни хисобга олди.

Маълумки, педагогика, таълим-тарбия бу инсон билан энг аввали педагогик психология, ёш даврлар психологияси, ахлоқий психология, тафаккур ва ижод психологияси кабилар билан узвий боғлиқ. Айниқса, шахс психологияси, инсоннинг хулқ-атвори ва уни тарбиялаш Авлоний меҳнат фаолиятининг мухим омили хисобланади. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлоний ўзининг бош асари бўлган «Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ» китобида инсонга тегишли бўлган хулқ-атворни, хатти-харакатни икки гурухга бўлади. Бу инсонга тегишли яхши хулқлар ва ёмон хулқлардир. Инсон характерида мавжуд бўлган яхши хулқлар инсонни меҳнатга, ижодга, кеңг ўйлашга, ҳалол бўлишга, ўз манфаатлари билан кўпчилик ҳалқ манфаатларини ўйгунаштиришга, Ватан, миллат эҳтиёжларини англашга, унинг манфаатлари йўлида меҳнат қилишга ўзини бағишлишга қаратилишини билган. Авлоний яхши хулқлар қаторига қуидагиларни киритади. Булар: фатонат, диёнат, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, вижедон, ватан сўймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идроқ, хайриҳоҳлик, садоқат, муҳаббат кабилардир. Бундай хислатларга эга бўлган инсонлар маърифат орқали Ватан келажаги учун курашувчи бўлишини, унинг манфаатларини ҳаётга татбиқ эта олувчи бўлишини Авлоний билган. Аксинча, ёмон хислатлар инсонни бепарво бўлишга, фақат ўз манфаатларини ўйлашга, ўзим бўлай қабулида иш кўришпига олиб келишини у санаб ўтган ёмон хислатларда кўришимиз мумкин.

Умуман, Абдулла Авлоний ижодида унинг фаолиятининг ижтимоий-фалсафий томони бу жамият, миллат тараққиёти, инсоннинг шаклланиши, ахлоқий, эстетик тарбияси, маданият, маърифат, маънавият масалалари, уларни амалий ёйиш муаммолари каби ўиласб музаммоларни ўзида қамраб олганлиги билан кўзга ташланади. Абдулла Авлоний ҳаёти лавомида ўз миллатининг маърифатли бўлишини, унинг ривожланган миллатлар қаторидаи ўрини олишини, дунёвий билимларга эга бўлишини орзу қилган ва бу йўлда меҳнатини аямаган.

Абдулла Авлоний фаолиятининг мухим томонларидан бири бу инсонларни тарбиялаш, уларният масалаларига катта эътибор беради. Айниқса, психик жараёнларни хисобга олган ҳолда инсон тарбияси, унинг ўзлаштириш масалалари, характерини шаклланти-

риш ва жамият учун фойдали инсон қилиб тарбиялап масалалари Авлоний фаолиятининг асосини ташкил этади.

Жамиятнинг асосини ташкил этувчи инсонни тарбиялапга Авлоний катта эътибор беради. Инсон ахлоқи, одоби, билими, малақаси, қобилияти, фаҳм фаросати, қизиқиши, тафаккури, манфаати, эҳтиёжи ва унинг етуклиги, яъни бир сўз билан айтганда, маънавияти жамият учун жуда катта бойлик эканлигини Авлоний ўз асарларида ижтимоий-психологик, фалсафий маънода ифодалайди.

Инсон руҳияти, жамиятдаги ижтимоий-психологик ҳолат ҳақида ва халқнинг ахволи ҳақида А.Авлоний ўз асарларида тўхталиб ва таҳдил қилиб ўтади. Авлоний жамият масалаларини ўрганар экан, халқ учун, унинг ривожланиши учун маърифатли бўлиши жуда катта маънба эканлигини билади. Щунинг учун ҳам у инсонларга ўз ҳаётларини, ривожланган халқлариниң ҳаётларини кўрсатиб берувчи ва халқнинг қалбига, онгига тез таъсир этувчи омилларни излади. Бу, албатта, унинг амалий ишларида, фаоллигига кўзга ташланади. Инсон ҳаёти, унинг яхшиланиб бориши бу унинг онги ва тафаккури билан боғлиқдир. Инсон ўзи каби бошқа халқларнинг ҳаётини ўрганиб бориб, ундаги илгор фикрларни, амалиётни кузатиб бориб, фойдали томонларини ўрганади ва ўз ҳаётига татбиқ этади. Авлоний ҳам ўз замоцдошлиарини ўрганар экан, уларни ҳаёти ва турмуш тарзини ўзгартириш кераклигини, дунёнинг илгор давлатларидаидек турмуш кечиришларини орзу килди. Инсон руҳиятини ўзгартириш, уларни илгор маданиятга, билимга эга бўлиш йўлларини излади. Бу йўлда у театрлар очди, дарсликлар ёзди, бир сўз билан айтадиган бўлсак, амалий жиҳатдан халқнинг руҳиятига таъсир ўтказиш йўлларини излади. Инсонга хос ахлоқий масалаларни Авлоний ёритиб берар экан, кўпгина тушунчаларни ҳам таҳдил киласди. Масалан, муҳаббат, лўстлик, сабр-тоқат, ақл, сўз ва бошқа шу кабилар. Бу масалаларни инсонга хос бўлган ҳиссият, тафаккур, нутқ, сезги, дикқат каби тушунчалардан узиб олиб тушунишиб бўлмайди. Матълумки, муҳаббат бу инсонга, Ватанга, халқга, юртга, устозларга, ота-онага ва шу кабиларга бўлган инсоннинг эмоционал кечинмасини кўрсатади. Маърифатпарвар бўлган Авлоний эса айнан Ватан равнақи учун бу тушунчани кенг талқин қилиб, инсонлар кўнглига Ватанини севиши энг муқаддас бурч эканлигини жойламоқчи бўлади. Умуман олганда, Авлоний фаолияти бу инсонларни тарбиялап орқали дунёвий мамлакатлар каби бўлимларга интилишнинг назарий ва амалий жараёнини ташкил этади.

ди. Унинг психологияк томонлари айнан инсонга хос ахлоқий, эмоционал жараёнлар билан боғлиқлитетини кўрсатади.

ХУЛОСА

Шарқ минг йиллар давомида ўзининг юксак маънавияти ва маданияти билан дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшиб келди. Тарих ва унда мавжур урган жараёнлар бунинг ёрқин мисолидир. Қадимдан туркий халқлар орасидан кўплаб алломалар этишиб чиқдики, уларнинг бизга қолдирган мерослари бутун жаҳон халқлари учун ва маданияти учун ҳозирда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Бу меросларни ўрганиш, улардан маънавиятимизни бойитиб борища фойдаланиш учун ҳозирда кенг имкониятлар вужудга келди.

Ўзбекистон тараққий этиб борар экан, унинг ривожланишида авлодларимиздан қолган қадимий мерослар муҳим аҳамият касб этишиб келди. Дунё маданиятига, илм-фанига улкан ҳисса қўшган бу мутафаккирлар ўз таълимотлари, билимлари, дунёқарашлари билан инсоният тарихий тараққиётida ўчмас из қолдирганлар.

Упбу кичик китобчада уларнинг психологияяга оид фикрлари ўрганилди. Албатта, бу кичик бир уриниш. Чулки бу буюк мутафаккирлар ўз асарларида инсон рухияти, психологик жараёнлари хақида кўплаб билимларни ҳаёт фаолиятлари билан боғлаган ҳолда кўрсата олганлар. Албатта, уларнинг рухиятга оид маҳсус асарлари бўлмаса-да, лекин жамиятни ўрганиш билан, инсон ахлоқий масалаларини тахлил қилиш билан боғлиқ ҳолда кўпгина психологияяга оид фикрларни айтиб ўтганлар. Шуни қайд этиб ўтиши жоизки, инсон ҳаётини руҳий-психологик кечинмаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар тегиб ўтган ҳамма масалаларда инсон психологияси, жамиятнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий психология, меҳнат психологияси, ҳозирги замон психологияси йўналишиларига мос фикрлар мавжуд. Психологияга оид фикрларни кўпроқ Ибн Сино, Форобий асарларида кўриш мумкин. Шунингдек, Алишер Навоий асарларида, Беруний, Абдулла Авлоний каби инсонларнинг меҳнати натижаси бўлган асарларда инсонга хос бўлган психик жараёнлар ўз аксини топган. Улар инсон ва жамият масалаларига ўз дикқатларини қаратиб, инсон рухияти билан боғлиқ кўплаб муаммоларни тахлил қилганилар.

Замон, давр тарихий жараёнлар давомида ўзгариб борар экан, бунда инсоннинг дунёга бўлган муносабати ҳам ўзгариб боради. Ин-

сон рухияти ўз замонасига мос ҳолда, жамиятнинг тараққиётига хос шаклланиб боради.

Мутафаккирлар ўз асарларини ёзиш давомида инсонга, жамиятга ва унинг рухияти билан боғлиқ жараёнларга қизиқиб келдилар. Билимлар тизимини ўрганиш орқали, ўз ҳаёт фаолиятларини кузатиш орқали борлиқдан нимани ўргандим ва нимага эришдим деб савол берар эканлар, уларнинг кўпчилиги айнан Ибн Сино ёзиг қолдирган мазмундаги жавобга мойиллик билдирганлар:

Оламнинг сайрига қўйдимкү қадам,

Карашибда намоён бўлди ҳар не бор.

Ҳайратимда қўлим тутган соқолдан

Бошиқа бирор нарса бўлмади ошкор.⁴²

Агар шоир айтмоқчи бўлган фикрга эътибор берсак, дунёга келдим, бу дунёда жуда кўп ҳодисаларни кўрдим, улардан ҳайратландим, лекин бу дунёда шунча билимга интилиб, ўрганиб бир нарсани билдим, бу ҳам бўлса ҳеч нарсани билмаслигимни билдим, демоқчи бўлади. Бу билан ўтган мутафаккирлар жуда кўплаб назариялар, фикрлар яратсалар-да, билимнинг кенглиги, улар қилган ишлар бу билим дарёсидан бир томчи эканилигини айтмоқчи бўладилар.

Дунё маданиятига улкан хисса кўшган мутафаккирларимиз ўз дунёқарашлари ва билимлари билан инсон рухиятига, уни ўрганишга ҳам эътибор бериб келганлар. Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўз илмий асарларида инсонга хос бўлган кўплаб масалаларни ўрганганилар, лекин айнан рухиятга бағишиланган, инсон психологиясига тегишли маҳсус асарлари йўқ. Шу билан бирга уларнинг асарларини инсон психологиясидан ташқарида деб ҳам бўлмайди.

Инсоннинг табиатта бўлган муносабатида, инсонни ўзига ва атрофдагиларига бўлган муносабатида, инсоннинг жамиятта ва жамиятдаги сиёсий жараёнларга бўлган муносабатларида қўйинки, инсонни барча фаолиятини психологияк жараёнларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон ўз ҳаёти давомида қандай эҳтиёжларни, мақсад ва манфаатларни қондиришга интилмасин, бу жараёнларда унинг рухий-психологик жараёнлари, психологик кечинмалари асосий ўрицида туради.

⁴² Абу Али Ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достопчлар. –Т.: 1981 й. 43-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., «Маънавият», 2008 й.
2. Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. –Т., «Шарқ», 2001 й.
3. Ҳомиджон Ҳомидий. Авестодан Шоҳномагача. –Т., «Шарқ», 2007 й.
4. Ҳомиджон Ҳомидий. Кўхна Шарқ даргалари. –Т., «Шарқ», 2004 й.
5. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т., «Фан» 1991 й.
6. Каримов Т. Муқаддас «Авесто» изидан. –Т., «Чўлпон», 2000 й.
7. Давлетшин М. Г., Абдураҳмонов Ф. Р. Қадимги Шарқ мамлакатларида психологияк фикрлар тараққиёти. –Т., 1995 й.
8. Абдураҳмонов Ф. Р., Сайдходжаев Х. Б. Социология: Маърузалар курси. –Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Акадамияси, 2000 й.
9. Абдураҳманов Ф. Р., Абдураҳманова З. Э. Дин психологияси. –Т., 2011 й.
10. М. М. Хайруллаев. Ўрта Осиёда илк уйғонилиш даври маданияти. –Т., «Фан», 1994 й.
11. М. М. Хайруллаев. Форобий руҳий жараёнлар ва таълимтарбия тўғрисида. –Т., 1967 й.
12. М. М. Хайруллаев. Абу Наср Форобий. –Т., 1961 й.
13. М. М. Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ Мутафаккирлари. –Т., 1971 й.
14. Фалсафа: қомусий лугат. Т.: «Шарқ», 2004 й.
15. Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. Ўрта осиёлик қирқ олим. –Т., 1961 й.
16. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. –Т., 1981 й.
17. О. Файзулаев. Муҳаммад ал-Хоразмий ва унинг илмий мероси. –Т., 1983 й.
18. Ирисов А. Абу Али ибн Сино. –Т., 1966 й.
19. Серебряков Б.С. Трактат ибн Сины (Авиценны) о любви. –Тбилиси. 1976 г.
20. Қодиров А. А. Соипов У. Т. Абу Али ибн Сино ўрта осиёлик буюк медик олим. –Т., 1980 й.

21. Абу Али ибн Сино. Ҳикматлар (А. Ирисов) –Т., 1980 й.
22. Абу Али ибн Сино: афсоналар, ривоятлар, ҳикоятлар (буларни қайта ишловчи Абдусадик Ирисов). –Т., 1980 й.
23. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достонлар. –Т., 1981 й.
24. Ғойибов Н. Амир Темур даври мәннавияти. –Т., 2001 й.
25. Темур Тузуклари. –Т., 1991 й.
26. Фалсафа: қомусий лутат. –Т., 2004 й.
27. Алишер Навоий. Ҳамса / П. Шамсиев тайёрлаган наширдан А. Ҳайитметов, М. Мирзааҳмедова қайта тузганлар. –Т., 1986 й.
28. Алишер Навоий. Афоризмы. –Т., 2011 й.
29. Абу Райхон Беруний. Феруза (Пашрга тайёрловчи ва таржимон А. Ирисов). –Т., 1993 й.
30. Абу Али ибн Сино ҳақида: афсоналар, ривоятлар, ҳиколар. (Тўпловчи-муаллиф А. Ирисов). –Т., 1983 й.
31. Шарипов А. Великий мыслитель Беруний. –Т., 1972 й.
32. Абу Райхон Беруний. Ҳикматлар. –Т., 1973 й.

Мундарижа

Кириш	3
1-§. Қадимги Шарқдаги илк психологик фикрлар	5
2-§. Қадимий Зардўштийлик таълимотида инсон ва руҳий-психологик жараёнлар	12
3-§. Араб истилосидан кейинги даврда Ўзбекистон ҳудудидаги фалсафий ва психологик қарашлар	17
Форобийнинг психологияга тегишли фикрлари ва қарашлари	22
Форобий таълимотида сезгилар ва уларнинг моддий асослари	24
Форобий таълимотида тафаккур ва нутқ масалалари	29
Иbn Сино ва унинг психологик қарашлари	31
Абу Али ибн Синонинг ижтимоий-фалсафий қарашлари	40
Абу Али ибн Сино шеъриятида руҳий ва фалсафий қарашлар	42
Абу Райхон Беруний	46
Маҳмуд Қошгарий	51
Аҳмад Юғнакий	52
Амир Темур бин Тарагай Баҳодир	54
Мир Алишер Навоий ижодида руҳий-психологик фикрлар	58
Абдулла Авлонийнинг ижтимоий-фалсафий ва психологик қарашлари	61
Хулоса	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	68

УДК: 159.9(09)

КБК 88.1

А 15

Ф. Р. АБДУРАХМОНОВ

**Қадимги Шарқда психологияк
фикрлар тараққиёти**

«NOSHIR» – Ташкент – 2012

Мухаррир С. Сафаева
Техник мухаррир Д. Мамадалиева
Саҳифаловчи А. Тиллахўжаев

Босилига руҳсат этилди 01.05.12. Бичими 60×84¹/₁₆.
Оғсет босма усулида босилди. Шартли босма табоқ 4,5.
Адади 500 нусха. 22-сонли буюртма.

«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия
қўшма корхонаси нашриёти.
Лицензия AI № 200 28.08.2011.
Ташкент ш., Лангар қўчаси, 78.



«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасиning
босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.

ISBN 978-9943-353-71-8

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-353-71-8.

9 789943 353718